

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

29-сон
(841)
2018 йил
23 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

591. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 20 июлдаги ЎРҚ–485-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

592. «Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПФ–5484-сон Фармони

593. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон

- Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПФ–5487-сон Фармони
594. «Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги ПҚ–3857-сон қарори
595. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 июлдаги ПҚ–3861-сон қарори
596. «2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги ПҚ–3863-сон қарори
598. «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига жисмоний шахслар номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келаётган товарлар назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПҚ–3873-сон қарори
599. «2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги ПҚ–3874-сон қарори [Кўчирма]
600. «Тошкент шаҳрида «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги ПҚ–3875-сон қарори
601. «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги ПҚ–3876-сон қарори
602. «Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июлдаги ПҚ–3877-сон қарори [Кўчирма]

Учинчи бўлим

603. «Нотариал ҳаракатлар ва ФХДЁ органлари хизматлари учун тўловларни амалга оширишда интерактив хизматларни жорий этишни кенгайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июлдаги ПҚ–3878-сон қарори [Кўчирма]

тириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги 540-сон қарори

604. «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарори

Бешинчи бўлим

605. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 28 июндаги 254/9-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-5*)
606. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 21 июндаги 01/19-10/27, 21-сон «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-3*)
607. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 21 июндаги 01/19-10/28, 22-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-2*)
608. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 10 июлдаги 8-сон «Электр энергиясини электр тармоқлари бўйлаб узатиш ва тақсимлашда технологик йўқотишларнинг нормативларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 17-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2871-1*)
609. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2018 йил

- 7 июндаги 342-сон «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3039*)
610. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 28 июндаги 254/10-сон «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-2*)
611. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/6-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-4*)
612. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 9 июлдаги 12-2018, 7-мх-сон «Академик лицейларда саралаш имтиҳонларини ўтказиш, расмийлаштириш ва натижаларини эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3040*)
613. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 6 июлдаги 48-сон «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти корхоналари томонидан кўрсатилган механизация хизматлари ҳақини тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2903-1*)
614. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 25 июндаги 08/ққ, 05/ққ-сон «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2480-3*)
615. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 13 июлдаги 9-сон «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр

қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2255-1*)

616. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 26 июндаги 43, 5-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобиль телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қоидаларининг 4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2617-2*)

617. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 177-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 3-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-9*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 14 июлдан 20 июлгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

591 Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 26 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **64-модданинг:**

биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 21 июлда эълон қилинган.

«Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — икки йил;

б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — тўрт йил;

в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — саккиз йил;

г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — ўн тўрт йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади»;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн йил, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас»;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ушбу Кодекснинг 150 — 157-моддаларида, 158-моддасининг биринчи қисмида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161 ва 244²-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди»;

2) **69-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ушбу Кодекснинг 150 — 157-моддаларида, 158-моддасининг биринчи қисмида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161 ва 244²-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди»;

3) **241¹-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига қирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши, —

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) такроран содир этилган бўлса;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда;

2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **187-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тафтиш ўтказиш муддати ўттиз календарь кундан иборатдир.

Зарур бўлган тақдирда, текширилаётган субъектнинг ҳужжатлари ҳажми, фаолиятининг тури ва қўламлари ҳисобга олинган ҳолда, тафтиш муддати молия-хўжалик фаолиятининг тафтишини ўтказувчи шахснинг асослантирилган илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг розилигига кўра ёхуд суднинг ажрими билан:

тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўттиз календарь кунга;

давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қилишнинг ушбу Кодексда белгиланган муддатларидан ошмайдиган муддатга узайтирилиши мумкин»;

2) **331-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган фактлар бўйича тадбиркорлик субъектига нисбатан жиноят ишини кўзғатишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг розилиги билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарининг розилиги билан йўл қўйилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда;

1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **72-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш (бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун ер ости сувларини яқка тартибда олишга мўлжалланган қудуқларни қазиш ҳоллари мустасно), ишлатилаётган ва қузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиغان қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлашга, шунингдек ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялашга ёки йўқ қилишга доир чораларни кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувлари ифлосланишининг ёки сифати ёмонлашининг манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ ҳўжалиги иншоотларини ва бошқа объектларни жойлаштириш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **74-модда:**

биринчи қисмидаги «ер ости сувли қатламлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ер ости сувли қатламларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, ер ости сувли қатламларидан сув олиш лимитла-

рини бузиш, ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олиш, бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун сувдан умумий фойдаланиши мустасно, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) 126-модда:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«126-модда. Кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш»;

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Техник регламентга мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан, худди шунингдек ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланиш»;

4) 152-модданинг биринчи қисмидаги «давлат стандартлари» деган сўзлар «техник регламентлари ёки давлат стандартлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 153-модданинг номидаги ва диспозициясидаги «тармоқ» деган сўз чиқариб ташлансин;

6) 173-модданинг номидаги ва диспозициясидаги «Стандарт талабларига ёки техник шартларга» деган сўзлар «Техник регламентларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 212-модда:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«212-модда. Техник регламентларга ёки стандартларнинг мажбурий талабларига риюя этмаслик»;

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хўжалик фаолияти субъектларининг техник регламентларга ёки стандартларнинг мажбурий талабларига риюя этмаслиги»;

учинчи қисмининг диспозициясидаги «стандартларнинг мажбурий

талабларига» деган сўзлар «техник регламентларга ёки стандартларнинг мажбурий талабларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **214-модда:**

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«214-модда. Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиш»;

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг), сертификатлаштириш органларининг ва аккредитация қилинган синов лабораторияларининг (марказларининг) махсулотни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиши»;

9) **219¹-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«219¹-модда. Рангли металлларни, уларнинг парчалари ва резги-чиқитларини, шунингдек қора металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни сотиш қоидаларини бузиш

Қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металлларни, уларнинг парчалари ва резги-чиқитларини, шунингдек қора металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни сотиш қоидаларини бузиш, —

рангли металлларни, уларнинг парчалари ва резги-чиқитларини, шунингдек қора металл парчалари ва резги-чиқитларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «74-моддасининг биринчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **265-модда:**

биринчи қисмидаги «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан» деган сўзлар «Техник регламентларга, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин:

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан» деган сўзлар «техник регламентларга, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «стандартлар» деган сўз «техник регламентлар, стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **324³-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «бир ой» деган сўзлар «икки ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 3-моддасининг 3 — 8 ва 11-бандлари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 июль,
ЎРҚ-485-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

592 Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга ва янгиларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар йилдан-йилга эҳтиёж ортиб бораётган энергия ресурсларини ишончли манбалар билан таъминлашни талаб қилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжи энергиянинг қайта тикланмайдиган манбаларидан, жумладан, ресурслари чекланган углеводород хом ашёларидан устун даражада фойдаланиш ҳисобига қопланмоқда. Ваҳоланки, мамлакатда уран хом ашёсининг улкан захираси бўла туриб, амалда атом энергетикаси салоҳияти ишга солинмаган.

Аҳоли ва мамлакат иқтисодиётининг электр энергиясига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, энергия ҳосил қилувчи қувватларни кўпайтириш ҳисобига энергия билан барқарор таъминлаш, энергетика секторини диверсификация қилиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва ушбу йўналишларга илғор инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда «Ўзатом» агентлиги деб юритилади) ташкил этилсин.

Белгилансинки, «Ўзатом» агентлиги:

атом энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига киради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июлда эълон қилинган.

2. Куйидагилар «Ўзатом» агентлигининг атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, атом энергетикаси соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш;

саноат ва экология хавфсизлигининг халқаро талабларига жавоб берадиган замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этган ҳолда, атом энергетикаси объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича битимлар ва шартномалар тузиш;

атом фани ва ядро технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни, фундаментал тадқиқотлар, илмий-қидирув, тажриба-конструкторлик ва инновацион ишлар лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш, илғор технологияларни жорий этиш;

тадқиқот ва энергетика атом реакторлари, ядро-физика қурилмалари, ядро материаллари ва радиация манбаларини сақлаш, радиоактив чиқиндиларни кўмиш пунктларининг ривожланишини ва уларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш;

республикадаги объектларнинг радиациявий ва ядровий хавфсизлиги тизимини бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда ядро авариялари ва радиациявий авария вазиятларининг олдини олиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиққан ҳолда такомиллаштириш;

ядро материаллари ва технологиялари, радиоактив материаллар тарқалмаслигини таъминлаш, жисмоний ҳимоя қилиш ҳамда ядровий ва радиациявий хавфсизликни таъминлаш тадбирларини амалга ошириш;

кадрларни, шу жумладан, етакчи хорижий институтларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;

Халқаро атом энергияси агентлиги, Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни амалга ошириш;

атом энергетикаси соҳасига хорижий инвестицияларни ва илғор технологияларни жалб этиш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар иштирокида халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, компаниялар ва банклар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. «Ўзатом» агентлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, атом энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги

халқаро экспертлар таркибига киритилган Илмий-техник ва эксперт кенгаши ташкил этилсин.

Белгилансинки, атом энергетикасини ривожлантиришнинг стратегик масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш «Ўзатом» агентлигининг Илмий-техник ва эксперт кенгаши хулосалари асосида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин;

2018 йил 1 октябрга қадар муддатда «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. «Ўзатом» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2018 йил 20 декабрга қадар — 2019 — 2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш концепцияси лойиҳаси (кейинги ўринларда — Концепция);

2019 йил 1 июнга қадар — ишлаб чиқилган Концепцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари портфели;

2019 йил 1 ноябрга қадар — 2019 — 2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш давлат дастури лойиҳасини (кейинги ўринларда — Дастур), шунингдек, Концепция ва Дастурнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишини ва тасдиқлаш учун киритилишини таъминласин.

Концепция ва Дастур лойиҳаларини ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комплекс истиқболни кўриш ва стратегик вазифаларга;

юқори даражадаги саноат ва экологик хавфсизликни таъминлайдиган замонавий илғор технологияларни қўллаган ҳолда атом энергетикаси ва тегишли инфратузилма объектларини қуришга;

ядровий ва радиациявий хавфсизлик, шу жумладан, чиқиндилар утилизация қилиниши ва ишлатилган ядро ёқилғиси сақланиши устидан назоратни ташкил этишга;

атом энергетикаси соҳасида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида ва чет элда мутахассислар тайёрлашга, шунингдек, уларнинг етакчи хорижий компанияларда стажировка ўташини ташкил этишга.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

«Ўзатом» агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар муддатда:

атом энергетикаси соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетига қабул квоталари;

талабаларнинг атом энергетикасининг аниқ мутахассисликлари юзасидан хорижий таълим муассасаларида таълим олиши ва стажировка ўташи бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан атом энергетикасини ривожлантириш учун кредитлар ва грантларни жалб этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 июль,
ПФ-5484-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**593** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, одил судловнинг сифатли амалга оширилишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун туманлараро, туман (шаҳар) судларининг иш билан бандлигини мақбуллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Ф. Камилов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 июль,
ПФ–5487-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 19 июлдаги
ПФ–5487-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
21 февралдаги ПФ–4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд
тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти
самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
Фармониغا киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 9-бандда:

тўртинчи хатбошисидаги «654» ва «252» рақамлари тегишинча «644» ва «247» рақамлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «418» ва «209» рақамлари тегишинча «440» ва «220» рақамлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «904» ва «321» рақамлари тегишинча «900» ва «319» рақамлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошисидаги «433» ва «181» рақамлари тегишинча «425» ва «177» рақамлари билан алмаштирилсин;

2) 10-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Туман (шаҳар) маъмурий судларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Жами бошқарув ходимларининг сони 2 — 6 бирликни, шундан судьялар сони 1 — 3 тани ташкил этади.

Туман (шаҳар) маъмурий судлари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 440 бирликни, шундан судьялар сони — 220 тани ташкил этади.

**) Ёрдамчи ходимлар штат бирликлари сони ўрнатилган меъёрлар асосида аниқланади»;*

3) 12-иловадаги «654» ва «252» рақамлари тегишинча «644» ва «247» рақамлари билан алмаштирилсин;

4) 14-иловадаги «904» ва «321» рақамлари тегишинча «900» ва «319» рақамлари билан алмаштирилсин;

5) 16-иловадаги «433» ва «181» рақамлари тегишинча «425» ва «177» рақамлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

594 Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида*

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

молиявий битимлар, қайта кредитлаш тўғрисидаги битимлар, лойиҳа битимлари, субсидиар битимлар, ҳуқуқ ва талабларни ўтказиш тўғрисидаги битимлар, хат-битимлар ва бошқа битимларни (кейинги ўринларда лойиҳалар бўйича битимлар деб юритилади) имзолаган вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ушбу қарорда белгиланган тартибда лойиҳа бўйича битимларга ўзгартишлар, қўшимчалар ва тузатишларни имзолаш ваколатига эга;

кучга кириши учун юридик хулосалар берилиши шарт бўлган лойиҳалар юзасидан имзоланган битимлар, шунингдек, давлат кафолатлари бўйича юридик хулосалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига битимлар ва кафолатлар киритилгандан кейин бир ҳафта муддатда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (кейинги ўринларда ХМИ/ХҲМТ деб юритилади) учун мақбул шаклда Адлия вазирлиги томонидан берилади;

ХМИ/ХҲМТ иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ер участкалари олиб қўйилганда, уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар бузил-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 июлда эълон қилинган.

** Илова рус тилидаги матнда берилган.

ганда ёки дарахтлар кесилганда товон тўлаш, агар бу лойиҳалар бўйича битимларда назарда тутилган бўлса, ХМИ/ХХМТ талабларига мувофиқ ваколатли органлар томонидан амалга оширилади;

ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш доирасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар ва транспорт воситалари божхона тўловлари (божхона йиғимлари бундан мустасно), қўшилган қиймат солиғи, давлат мақсадли жамғармаларига йиғимлар тўлашдан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган юридик шахслар юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи,

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олиннадиган фойда солиғи тўлашдан 2021 йил 1 июлгача бўлган муддатга озод этилади;

ХМИ томонидан пулли консултьатив хизматлар кўрсатилган ҳолларда, ушбу молия институтлари мазкур хизматларни ягона етказиб берувчилар ҳисобланади ва улар билан махсус ахборот порталида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган тўғридан-тўғри шартномалар тузилади.

3. Белгилансинки:

ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этадиган хорижлик мутахассисларга кириш визаларини расмийлаштириш лойиҳалар ташаббускорлари ёки ижро этувчи агентликлар талабномаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмаган ҳолда амалга оширилади;

ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этадиган хорижлик мутахассисларга кўп марталик визалар бериш, яшаш жойи бўйича вақтинчалик пропискани расмийлаштириш ва уларни узайтириш лойиҳалар ташаббускорлари ёки ижро этувчи агентликлар талабномаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан давлат божи ундирилмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ва самарасиз солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларини бекор қилиш бўйича ишчи комиссия (Б. Мавлонов) қуйидагиларни назарда тутсин:

а) ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш даврида ва кафолат муддатида:

ХМИ/ХХМТ маблағлари ҳисобига харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар ва транспорт воситаларини божхона тўловлари (божхона йиғимлари бундан мустасно), қўшилган қиймат солиғи, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига йиғимлар тўлашдан;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган юридик шахсларни юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи тўлашдан;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган жисмоний шахсларни жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи тўлашдан озод этишни;

б) ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган имтиёзларни ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбеки-

стон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари, лойиҳалар ташаббускорлари ёки ижро этувчи агентликларнинг ўз маблағлари ҳисобига харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар ва транспорт воситаларига татбиқ этишни.

Имтиёзлар бериш натижасида бўшаб қоладиган маблағлар суммаси Ўзбекистон Республикасининг ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишга қўшган ҳиссаси эканлиги белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 июль,
ПҚ-3857-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

595 Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўсимликларни ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ноёб ботаник коллекцияларни сақлаш шароитларини яхшилаш, ўсимлик дунёсини ўрганиш, сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича ихтисослашган вазифаларни жадал ҳал этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг (кейинги ўринларда — Институт деб юритилади) илмий фаолиятини янада такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустахкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

Институтни Ўзбекистоннинг табиий ўсимликлар хилма-хиллигини ўрганиш соҳасидаги ягона давлат илмий муассаса сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Институтнинг ноёб илмий объекти «Марказий гербарий» миллий аҳамиятга эга гербарий деб тан олинсин ва унга «Ўзбекистон миллий гербарийси» (кейинги ўринларда — Миллий гербарий) номи берилсин.

3. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Миллий гербарийнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш бўйича 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Институт ва Фанлар академияси Миллий гербарийни махсус асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида илмий ва компьютер ускуналари, приборлар, реагентлар, бутловчи қисмлар, сарфлаш материаллари, дастурий таъминотлар ва техник воситаларни халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари объектлари реализациясидан тушган бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ўрнатилган тартибда харид қилсин.

5. Институт таркибида:

ноёб ва эндем ўсимлик турлари бўйича мақсадли илмий-тадқиқотларни олиб бориш ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби нашрларини халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлаш вазифалари юклатилган ноёб ўсимликлар турлари кадастри ва мониторинги лабораторияси;

Ўзбекистон табиий флорасининг таксономик хилма-хиллигини хатловдан ўтказиш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб бориш, ўсимликларнинг инвазив турлари таркибини ва географик тарқалишини белгилаш, алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш ҳамда ўсимликлар дунёсининг замонавий номенклатураси ва филогенетик тизими асосида «Ўзбекистон флораси»нинг янги нашрларини тайёрлаш вазифалари юклатилган Ўзбекистон флораси лабораторияси;

Институтнинг илмий-тадқиқот ва ўқув-амалий фаолиятидаги ютуқларини омалаштириш, шунингдек, кенг жамоатчиликни Ўзбекистоннинг ўзига хос ўсимликлари хилма-хиллиги билан таништириш мақсадида Ботаника музейи ташкил этилсин.

6. Фанлар академияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг Фанлар академиясини Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш ва чоп этиш бўйича ваколатли орган этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш, чоп этиш ва юритиш тартибини тасдиқласин.

7. Илмий бўлинмаларнинг яхлитлигини сақлаб қолиш ва илмий тадқиқот фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

Институтнинг ғўза систематикаси ва интродукцияси лабораторияси, «Ғўза генофонди» ноёб илмий объекти ва иссиқхона комплекси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтига;

Институтнинг анатомия ва цитоэмбриология, дарахт ва ўт ўсимликлари интродукцияси, шунингдек, доривор ўсимликлар лабораториялари академик Ф.Н. Русанов номидаги Ботаника боғига ўтказилсин.

8. 2018 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг ўсимликлар хилма-хиллигини ўрганиш ва сақлаб қолиш соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларини ривожлантириш, шунингдек, салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Институт, Миллий гербарий ва Ботаника музейини жойлаштириш учун янги замонавий бинони (кейинги ўринларда — объект) академик Ф.Н. Русанов номидаги Ботаника боғи ҳудудида қуриш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Қўйидагилар:

а) объект бўйича:

«Inkom kapital qurilish» инжиниринг компанияси — буюртмачи этиб; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов (тендер) савдолари яқунлари бўйича аниқланган ташкилотлар — бош лойиҳачи ва бош пудратчи этиб;

б) ҳар йили тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ажратиладиган капитал қўйилмалар лимитлари — лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва объектга доир қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича ишларни молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2021 — 2023 йиллар учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан объект бўйича қурилиш-монтаж ишларини ўтказиш учун капитал қўйилмаларнинг тегишли лимитларини назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий мамлакатлардаги етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан Институтнинг ҳамкорлигини кенгайтириш чораларини

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кўрсин, шунингдек, Институт негизида ўсимликларнинг молекуляр филогенияси, биогеографияси, хемотаксономияси ва ўсимликлар оламининг бошқа йўналишлари бўйича бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган қўшма илмий лабораториялар ташкил қилиш учун грант маблағлари жалб этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу бандда назарда тутилган қўшма илмий лабораторияларни ташкил этишда Институтнинг ишчилари ва илмий ходимлари умумий чекланган сонини кўпайтириш ҳуқуқи берилсин.

13. Белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Институт томонидан олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган илмий ва компьютер ускуналари, приборлар, реагентлар, бутловчи қисмлар, сарфлаш материаллари, дастурий таъминотлар ва техник воситалар 2021 йил 1 июлгача божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3256-сон қарорига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Фанлар академияси икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С.Р. Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Б.С. Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 июль,
ПҚ–3861-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**596 2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини самарали амалга ошириш, аҳолининг шинам турар жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, фуқароларнинг фаровонлик даражасини янада ошириш ва турар жой шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипотека банк» АТИБ, «Халқ банки» АТБ, «Асака» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБларининг (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб юритилади) 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январгача бўлган даврда 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида ипотека кредитларини:

а) қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун уй қурувчиларга дастлабки бадал:

0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган икки, уч, тўрт, беш қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) ва 2, 3 хонали бир қаватли арзон уй-жойлар учун — 10 фоиз миқдорида;

0,04 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган арзон уй-жойлар ва 0,06 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган 3, 4 ва 5 хонали арзон уй-жойлар учун — 25 фоиз миқдорида бўлишини назарда тутган ҳолда;

б) шаҳарларда ёш оилаларга, эски уйларда яшовчиларга ва турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига дастлабки бадалнинг табақалаштирилган миқдорини амалиётга жорий этган ҳолда, арзон кўп квартирали уйлардаги квартираларни ўртача 15 фоиз миқдордаги дастлабки бадал билан сотиб олиш учун бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун арзон уйлар қуриш учун 20 йил муддатга, жумладан дастлабки 5 йил мобайнида йиллик

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июлда эълон қилинган.

3 фоиз ставкали 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг йиллик 4 фоиз миқдордаги маржаси чегириб ташланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорда, кредит линияси маблағларини Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй-жойлар қуришга мақсадли йўналтирган ҳолда миллий валютада кредит линиялари очсин;

ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни молиялаштириш учун 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча маблағлар йўналтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги:

шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш доирасида «Ўзбекистоннинг ипотека бозорини кенгайтириш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича Осиё тараққиёт банки билан бир ой муддатда музокаралар олиб борсин;

Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда аҳоли билан мулоқот натижаларига кўра аниқланган қўшимча уй-жой ҳажмларини шакллантириш якуналари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қўшимча арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп квартирали уйлар қуришни молиялаштиришга доир таклифлар киритсин;

2018 йил охиригача ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини молиялаштириш соҳасида халқаро молия институтлари (Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси) билан тузилган қарз битимларига ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсин.

4. Кейинчалик «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖнинг йиллик 5 фоиздан юқори бўлмаган ставкаси бўйича кредит линияси очилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ депозитига йиллик 3 фоиз ставка бўйича жорий йил 1 ноябргача жойлаштириладиган 210 миллиард сўм миқдордаги вақтинча бўш маблағлари импорт ёғоч-тахта материаллар ва том ёпиш учун темир листларни харид қилиш манбаи этиб белгилансин.

5. «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ иштирок этувчи банклар билан биргаликда:

Ислон тараққиёт банкининг кредит линиялари бўйича «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ ҳисоб рақамларида жамланган, 2015 — 2017 йилларда шакллантирилган уй қурувчиларнинг дастлабки бадалларини икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтирсин;

хар ярим йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига аввал аҳолига ажратилган кредитлар муддатидан олдин қоплангани тўғрисида ахборот киритсин ва вазирлик билан келишган ҳолда ушбу маблағларни уй-жойлар қуришга йўналтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 июль,
ПҚ-3863-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

598 Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига жисмоний шахслар номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келаётган товарлар назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5414-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига жисмоний шахслар номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келаётган товарларни божхона назоратидан ўтказиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан давлат божхона хизмати органларига жисмоний шахслар номига халқаро курьерлик жўнатмалари орқали келаётган товарлар ҳақида мажбурий равишда ҳабардор этиш белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан жисмоний шахслар номига халқаро курьер-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июлда эълон қилинган.

лик жўнатмалари орқали келаётган товарлар ҳақида давлат божхона хизмати органларига олдиндан электрон тарзда хабар бериш тизими татбиқ этилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар бўлган муддатда халқаро курьерлик жўнатмалари орқали келаётган товарларни қабул қилувчининг солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки паспорт маълумоти орқали идентификациялаш имконини берувчи электрон базаларни идоралараро интеграциясини амалга оширилишини таъминласин.

4. Қўйидагилар:

почта алоқаси оператори ва провайдерлари томонидан халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар тўғрисида олдиндан электрон тарзда хабар беришда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар тўғрисида давлат божхона хизмати органларини олдиндан электрон тарзда хабардор қилиш жараёнларини амалга ошириш схемаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Кириб келаётган халқаро курьерлик жўнатмаларини божхона назорати ва расмийлаштируви:

темир йўл ва автомобиль транспорти орқали етказишда — махсус белгиланган божхона постларида;

хаво транспорти орқали етказишда — халқаро аэропортлар ёки унга яқин ҳудудларда жойлашган божхона постларида амалга оширилади.

6. Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига юридик шахслар номига келаётган қиймати 100 (юз) АҚШ долларига тенг бўлган товарлардан божхона тўловлари ундирилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–3512-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар 3-иловага* мувофиқ киритилсин.

8. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 июль,
ПҚ–3873-сон

* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**599 2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузил-
мавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллашти-
ришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*****[Кўчирма]**

Кейинги йилларда мамлакатда инвестиция жараёнларини талай даражада такомиллаштириш, давлат ривожланиш дастурларини шакллантириш тартибини белгилаш, лойиҳаларни танлаш шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш, уларни молиялаштириш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳа бошқаруви ягона миллий ахборот тизимини яратиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқдаки, у Ягона миллий ресурслар маълумотномасини ўз ичига олади, бу эса товарлар, ишлар ва хизматларнинг бозор қийматини шакллантириш, лойиҳа ечими самарадорлигини баҳолаш, ресурсларнинг миқдори ва турларини тўғри аниқлаш, режалар ва жадваллар шакллантирилиши, дастурлар бажарилиши устидан электрон назоратни амалга ошириш имконини беради.

Шу билан бирга давлат ривожланиш дастурларини шакллантириш янги тартибининг барча компонентлари эндигина бошланган, маъқулланган, шунингдек, жорий йилда шакллантириладиган йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги шундай лойиҳаларни амалга ошириш босқичлари билан уларнинг муддатлари уйғунлаштирилмаганлиги уларни ўз вақтида ниҳоясига етказиш, ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш, маҳсулот ишлаб чиқара бошлаш ва янги иш ўринлари яратиш учун инвестициявий ҳамда молиявий хавотирликларни вужудга келтиради.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар рўйхатини шакллантириш, шунингдек, 2018-2019 йилларда бошланган, маъқулланган, шунингдек, шакллантирилаётган инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда:

2018 йилда амалга ошириладиган, тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги тармоқ инвестиция лойиҳалари рўйхати 1-иловага** мувофиқ;

2019 йилда амалга ошириладиган, тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги тармоқ инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 июлда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги истикболли тармоқ инвестиция лойиҳалари рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

2018 йилда амалга ошириладиган, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги минтақавий инвестиция лойиҳалари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

2019 йилда амалга ошириладиган, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги минтақавий инвестиция лойиҳалари рўйхати 5-иловага* мувофиқ;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги истикболли минтақавий инвестиция лойиҳалари рўйхати 6-иловага* мувофиқ шакллантирилган.

2. Қўйидагилар:

тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига — 1, 2, 4 ва 5-иловаларга киритилган инвестиция лойиҳалари ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, улар амалга оширилишининг бориши тўғрисида ҳар ўн кунда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига ахборот бериб бориш;

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари раҳбарлари зиммасига — тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилишининг бориши устидан тизимли мониторинг олиб бориш, шунингдек, асосий муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ой сайин тегишли ахборот киритиб бориш юзасидан шахсий масъулият юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

а) вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг:

1, 2, 4 ва 5-иловаларга киритилган лойиҳаларни амалга оширишнинг комплекс тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун бир ой муддатда киритиш, инвестицияларни ўзлаштиришнинг ойлик ҳажмларини, инвестиция лойиҳалари асосий босқичларини амалга ошириш ва объектларни фойдаланишга топшириш муддатларини, шунингдек, мазкур қарорнинг 3 ва 6-иловаларига мувофиқ лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича «йўл хариталари»ни белгилаш юзасидан;

2020 — 2024 йилларда тармоқ, минтақавий ва мақсадли ривожланиш концепциялари ишлаб чиқилишини ниҳоясига етказиш ҳамда 2019 йилнинг 1 апрелига қадар Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш ва лойиҳалар портфелларини шакллантириш юзасидан ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминласин;

б) бир ой муддатда лойиҳалар ташаббускорларининг ва давлат бошқарув органларининг тегишли ахборот базасига киришни таъминлаган ҳолда инфратузилмавий инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг

* 3 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қилиш имконини берадиган замонавий дастурий таъминотни ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан келишиб, белгиланган тартибда:

2018 йилнинг 1 ноябригача — барча молиялаштириш манбалари ҳисобига йилдан йилга ўтувчи ҳамда янгидан бошланадиган тармоқ ва минтақавий лойиҳаларни ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Инвестиция дастури шакллантирилишини ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2019 йилнинг 1 ноябрига қадар — тегишли ривожланиш концепцияларини инобатга олган ҳолда тасдиқланадиган тармоқ, минтақавий ва мақсадли лойиҳалар портфеллари асосида ишлаб чиқилган 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Давлат дастури шакллантирилишини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, 2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш доирасида:

фақат йилдан йилга ўтувчи лойиҳалар, шунингдек, лойиҳаларнинг ТИА/ТИХлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг янгидан бошланадиган лойиҳаларгина манзилли рўйхатга киритилади;

инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига мазкур инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги дастлабки қарорлар (мақсадлар) тақдим этилган ана шундай лойиҳалар истикболли лойиҳалар рўйхатига киритилади.

5. Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича ДТИА/ДТИХ албатта ишлаб чиқилиши ҳамда ана шу лойиҳалар бўйича қурилишларнинг манзилли рўйхатлари Агентлик билан келишилиши талабларини бекор қилиш тўғрисидаги Агентлик таклифларига розилик берилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги лойиҳалар ва импорт шартномаларни комплекс экспертизадан ўтказиш маркази» (кейинги ўринларда — Марказ) ДУКда фақат инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳужжатлари комплекс экспертизадан ўтказилади:

а) бюджет тизимининг бюджетлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган:

намунавий лойиҳани экспертизадан ўтказиш қисмида — намунавий ва такрорий қўлланиладиган лойиҳалардан фойдаланган ҳолда инфратузилмавий лойиҳалар бўйича (ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди объектлари қурилиши). Бунда намунавий лойиҳанинг кейинги боғланишини экспертиза қилиш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУКда амалга оширилади;

қиймати 10 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган — индивидуал ҳамда бошқа инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича. Бунда қиймати 10 миллиард сўмдан камроқ бўлган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУКда экспертизадан ўтказилиши лозим;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилишини назарда тутувчи алоҳида қарорлари асосида амалга ошириладиганлари;

в) қиймати эквивалентда 5 миллион АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этувчи лойиҳалар бўйича — устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, шунингдек, давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроғи юридик шахсга тегишли бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиганлари;

г) молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, стратегик фойдали қазилма бойликлари қазиб олиниши ва/ёки қайта ишланишини назарда тутувчи лойиҳалар, ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган, маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно.

Бунда:

ушбу банднинг «а» — «г» кичик бандларида назарда тутилмаган бошқа инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳужжатларини лойиҳаларнинг ташаббускорлари томонидан ихтиёрий ва шартномавий асосда комплекс экспертизадан ўтказиш учун Марказга киритишга йўл қўйилади;

Марказ лойиҳаларнинг ташаббускорлари мурожаат қилган тақдирда, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича шартнома асосида лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эгадир.

7. Белгилансинки, ўтказилган тендер савдоларининг яқунлари бўйича тузилган импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш ва қайд этиш учун Марказга киритишда улар бўйича экспертиза фақат уларнинг тендер ҳужжатлари шартларига, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос келиши ҳамда матннинг давлат тили ва рус тилига тўғри таржима қилинганлиги экспертизадан ўтказилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси лойиҳаларнинг ташаббускорлари — вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари билан ҳамкорликда бир ой муддатда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини танқидий ўрганиб чиқсин ва зарур ҳолларда агентлик билан келишган ҳолда тузатилган тармоқ жадвалларини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров, А.С. Султонов) Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича

давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда бошқа манфаатдор идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан ҳамкорликда:

қонун ҳужжатларида бюджет маблағлари ва бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобига зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини хатловдан ўтказсин;

ўтказилган хатлов якунлари бўйича 2018 йилнинг 1 октябрга қадар қурилиш босқичлари, муддатлари ва ишларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаган ҳолда янги қурилаётган объектларга зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини улаш бўйича белгиланган тартибда «йўл хариталари»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси: икки ой муддатда қўмитанинг веб-сайтида «Инвестиция портали» тўлиқ жорий этилишини, унга инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторлар учун таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхати киритилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда тижорат банклари билан биргаликда кредитларни тақдим этиш шартлари ва кредит линияларининг ўзлаштирилмай қолган жорий қолдиқларини кўрсатган ҳолда тижорат банклари томонидан жалб этилган хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредит линиялари тўғрисидаги ахборотлар «Инвестиция портали»га жойлаштирилиши ва муттасил янгилаб турилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 февралдаги ПҚ–3550-сонли қарорига 9-иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси агентлик билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Содиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 июль,
ПҚ–3874-сон

* 9-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**600 Тошкент шаҳрида «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида***

Республика саноат тармоқлари учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, «Росатом» атом энергияси бўйича давлат корпорацияси, «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) Тошкент шаҳрида «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини (кейинги ўринларда «ММФИ» МТЯУ филиали деб юритилади) таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «ММФИ» МТЯУ филиали фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисоблансин:

ядро энергетикаси ва иссиқлик физикасининг тармоқ эҳтиёжларини қондириш учун энг муҳим илмий-технологик ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш;

мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва илм-фан узлуксизлиги ва изчиллиги принципи, шунингдек, жаҳон таълим ҳамда илмий ҳамжамиятига мувофиқ равишда албатта интеграциялаштириш асосида ривожлантириш;

ядро физикаси соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар ўтказиш;

муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ўқитишнинг педагогик услублари ва технологияларини фаол такомиллаштириш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«ММФИ» МТЯУ филиали олий таълим муассасаси — юридик шахс

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 июлда эълон қилинган.

мақомига эга бўлган нотижорат ташкилот шаклидаги Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади;

«ММФИ» МТЯУ филиали «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — бош муассаса) алоҳида бўлинмаси сифатида кадрларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, бош муассаса билан келишилган ўқитишнинг асосий йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича мутахассислар тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади, шу жумладан илмий-педагог кадрлар тайёрлайди;

«ММФИ» МТЯУ филиали ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади;

«ММФИ» МТЯУ филиалида ўқитиш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларининг талаблари инобатга олинган ҳолда, бош муассаса томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари бўйича амалга оширилади;

«ММФИ» МТЯУ филиалининг таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошланади;

«ММФИ» МТЯУ филиалига абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, бош муассаса томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

«ММФИ» МТЯУ филиали битирувчиларига ўқиш тамомланганидан сўнг бош муассасанинг белгиланган намунадаги дипломи берилади ва бу диплом Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади.

4. Бош муассаса:

ўқув жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологиялари, илм-фан ва техниканинг энг янги ютуқлари жорий этилишини;

«ММФИ» МТЯУ филиали мутахассисларининг малакаси оширилишини ва профессор-ўқитувчиларининг қайта тайёрланишини;

«ММФИ» МТЯУ филиали кутубхона фондининг шакллантирилиши ҳамда замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдирилишини таъминлашга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Қуйидагилар:

«ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) Тошкент шаҳридаги филиалида мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашнинг асосий йўналишлари (мутахассисликлари) 1-иловага мувофиқ;

«ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) Тошкент шаҳридаги филиали Васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) таркиби 2-иловага* мувофиқ;

«ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат авто-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) филиалини Тошкент шаҳрида ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия таркиби 3-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

6. Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Улугбек шаҳарчаси, Хурсон кўчаси 1-уйда жойлашган қурилиши тугалланмаган радиокимёвий комплекс унга туташ ҳудудлари билан бирга беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида кейинчалик жойлаштириш учун «ММФИ» МТЯУ филиалига берилсин.

7. Ташкилий комиссия (А.С. Султанов):

2019 йил 1 июлга қадар муддатда «ММФИ» МТЯУ филиали бино ва иншоотларининг реконструкция қилинишини, шунингдек, «ММФИ» МТЯУ филиали талабалари ва ўқитувчилари яшаши учун ётоқхона тайёрланишини;

2019 йил 31 августга қадар муддатда «ММФИ» МТЯУ филиали жойлаштирилишини ҳамда унинг зарур мебель, инвентарлар, замонавий ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер ва бошқа ташкилий техника, кутубхона фонди билан жиҳозланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиришда уларга «ММФИ» МТЯУ филиалининг бино ва иншоотларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш юзасидан лойиҳаларнинг белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

а) «ММФИ» МТЯУ филиалига қабул квотаси манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги, бош муассаса билан келишилган ҳолда тайёрланган, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг асослангирилган таклифлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда малакали кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни ҳар йили таҳлил қилиб боради ҳамда таҳлил натижасига кўра «ММФИ» МТЯУ филиалига келгуси ўқув йилларида таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаларни қабул қилиш сони юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

б) Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ «ММФИ» МТЯУ филиали ходимларига уларнинг юқори малакаси, ихтисослаштирилган компьютер комплекслари билан ишлаш кўникмалари учун «ММФИ» МТЯУ филиалининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шахсий устама белгиланиши мумкин;

в) «ММФИ» МТЯУ филиалининг давлат грантлари асосида ўқиган би-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тирувчилари республика ишлаб чиқариш-саноат тармоқлари ташкилотларида камида беш йил ишлаб бериш шарти билан ишга тақсимланади;

г) «ММФИ» МТЯУ филиалининг фаолияти:

«ММФИ» МТЯУ филиалига давлат грантлари бўйича қабул қилинадиган талабаларни ўқитиш, шунингдек, ядро энергетикаси ва технологияларини ривожлантириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун Фанлар академиясига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Васийлик кенгашининг қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

д) «ММФИ» МТЯУ филиалини ташкил этиш, унинг моддий-техника ва ўқув базасини шакллантириш бўйича ташкилий-амалий тадбирларни молиялаштириш, шу жумладан таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш, бино ва иншоотларни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер ва бошқа ташкилий техника билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ва Васийлик кенгаши томонидан шакллантириладиган маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

е) бош муассасадан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш:

30 суткагача бўлган қисқа муддатли хизмат сафарлари бўйича — Россия Федерациясининг қонун ҳужжатлари билан олий таълим муассасалари ходимлари учун назарда тутилган нормаларга мувофиқ;

узоқ муддатли хизмат сафарлари бўйича, ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда — тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

ж) «ММФИ» МТЯУ филиалини сақлаш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг «Маориф» учун харажатлар параметрларида назарда тутилади.

10. «ММФИ» МТЯУ филиалига ўқитувчилик ва илмий ишлар учун таклиф этиладиган хорижий профессор ва ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича тўлашга рухсат этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош муассаса ҳамда «Ўзбекнефтгаз» АЖ билан биргаликда:

бир ой муддатда белгиланган тартибда «ММФИ» МТЯУ филиалининг таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, келишилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини;

икки ой муддатда «ММФИ» МТЯУ филиали ташкилий тузилмасининг тасдикланишини;

2019 йил 1 августга қадар муддатда «ММФИ» МТЯУ филиалининг малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан танлов асосида тўлдирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «ММФИ» МТЯУ филиалига иккита енгил хизмат автотранспорт воситасини, шу жумладан битта бириктирилган автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «ММФИ» МТЯУ филиалининг буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «ММФИ» МТЯУ филиалининг буюртмаларига биноан хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига давлат божи ундирилмасдан кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «ММФИ» МТЯУ филиалининг буюртмаларига биноан «ММФИ» МТЯУ филиалини ташкил этишда ва унинг фаолиятида иштирок этувчи хорижий малакали мутахассисларни республикага жалб қилишга белгиланган тартибда рухсатномалар беришни (узайтиришни), шунингдек, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига тасдиқнома беришни (узайтиришни) таъминласин.

16. «ММФИ» МТЯУ филиали 2021 йил 1 январга қадар муддатда «ММФИ» МТЯУ филиалини жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарь ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош ва-

зирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви раиси А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 июль,
ПҚ-3875-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 20 июлдаги
ПҚ-3875-сон қарорига
1-ИЛОВА

«ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) Тошкент шаҳридаги филиалида мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашнинг асосий йўналишлари (мутахассисликлари)

1. Ядро энергетикаси ва иссиқлик физикаси
2. Ядро физикаси ва технологияси
3. Атом станциялари: лойиҳалаштириш, фойдаланиш ва инжиниринг

Изоҳ: Васийлик кенгаши томонидан йўналишлар (мутахассисликлар) рўйхатиغا ташкилот-истеъмолчиларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжлари инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасаси билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**601** **Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларнинг касби обрўси ва нуфузини ошириш, малакали кадрларни илмий ва педагогик фаолиятга жалб этиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш, шунингдек, олимлар ва ўқитувчиларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларида кенг кўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишда иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3655-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ва инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий ходимлари, шунингдек, олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари миқдорлари 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб табақалаштирилган ҳолда ўртача 25 фоизга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг:

2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимларининг иш ҳақи миқдорини 2 баравар ошириш;

2018 йил 1 сентябрдан илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган илмий-тадқиқот муассасалари муҳандис-техник ходимларининг иш ҳақи миқдорини эгаллаб турган лавозими ва илмий фаолият соҳасидан келиб чиқиб, 30 фоиздан 100 фоизгача табақалаштирилган миқдорда ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ва инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий ходимлари, илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифа-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 июлда эълон қилинган.

лари юклатилган илмий-тадқиқот муассасаларининг муҳандис-техник ходимлари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи миқдори қуйидаги икки босқичда оширилсин:

2019 йил 1 январдан — 20 фоизга;

2019 йил 1 июлдан — 25 фоизга.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги 2018 йил 25 июлгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқарув аппарати ходимлари ва илмий-тадқиқот муассасалари муҳандис-техник ходимларининг иш ҳақи миқдорини ушбу қарор талабларини инobatга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор талабларига мувофиқ 2018 йил 1 ноябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини ва инновация ишларини амалга оширишда иштирок этаётган илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ва илмий ходимлари, шунингдек, олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошларини тасдиқласин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги Фанлар академияси, Молия вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан биргаликда икки ой муддатда илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) унинг «Ипотека банк» АТИБда 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ҳисобрақамларини очган ҳолда ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

7. Жамғарманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ижтимоий-иқтисодий соҳани янада ривожлантириш мақсадида илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини жадал ва кенг жорий қилиш;

илмий ва илмий-техник фаолиятни юқори технологик тадбиркорлик стартап-лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш орқали амалий натижаларга эришиш учун йўналтириш;

тадқиқотларни амалга оширилаётган стартап-лойиҳаларда таъсисчи сифатида иштирок этиш орқали тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ва технологияларни жадал ишлаб чиқишга йўналтириш.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Фанлар академияси, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, шу жумладан Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини баҳолаш ва танлашнинг аниқ мезонларини назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни

амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин;

Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов ва Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Республикасининг молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 июль,
ПҚ–3876-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

602 Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

[Кўчирма]

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамлигини таъминлашга ҳамда хусусий, шу жумладан хорижий инвестициялар учун республиканинг инвестиция муҳитини тубдан яхшилашга қаратилган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга мамлакатни халқаро капитал бозорларига интеграциялаштириш ишлари талаб даражасида олиб борилмаётганлиги ташқи молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини жалб қилиш ва уларнинг ҳажмларини кенгайтириш имкониятларини чекламоқда.

Ўтказилган ўрганиш Ўзбекистоннинг етакчи банклари ва йирик корхоналари томонидан корпоратив рейтингларни олиш ҳамда давлат кафолатисиз хорижий инвестиция ва қарзларни жалб қилиш бўйича республиканинг

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 июлда эълон қилинган.

имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирадиган мамлакатнинг суверен кредит рейтингини олиш зарурлигини кўрсатмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, ташқи молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва манбаларини диверсификациялаш, хорижий инвесторлар учун мамлакатнинг жозибadorлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкнинг жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш, шунингдек, ўтказилган танлов натижаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларини эмиссия қилиш учун молиявий маслаҳатчи сифатида «J.P. Morgan Chase» бошчилигидаги банклар консорциумини тайинлаш бўйича таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига «J.P. Morgan Chase» бошчилигидаги банклар консорциуми, шунингдек, танлов натижаларига кўра тегишли халқаро компаниялар билан Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш, суверен облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш жараёнида консултацион ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳақида ҳамда рейтинг агентликлари билан Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш учун тегишли битимларни имзолаш ваколати берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суверен қарзлар, шу жумладан корпоратив (банк) қарз мажбуриятлари эмиссиясини мувофиқлаштириш бўйича барча операцияларни амалга оширувчи ваколатли орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш, суверен облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш учун мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган маслаҳатчи ва бошқа молиявий ҳамда юридик консултантларни, рейтинг агентликларини, шунингдек, фискал, тўлов, трансфер ва листинг агентларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Лойихаларни комплекс экспертизадан ўтказиш ва импорт контрактлари маркази» ДУКда тендер (танлов) савдолари ва экспертиза ўтказмасдан, рўйхатга олмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан жалб қилишга ҳақли;

Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш, суверен облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш бўйича экспертлар, молиявий консултантларнинг хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шунингдек, юридик консултантлар, рейтинг агентликлари, фискал, тўлов, трансфер ва листинг агентларининг хизматлари учун тўловлар Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

молиявий консультантларнинг хизматлари учун шартномаларга мувофиқ тўловлар Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларини жойлаштиришдан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш, суверен ва корпоратив (банк) облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш жараёнини мувофиқлаштириш мақсадида иловага* мувофиқ таркибда Идоралараро ишчи гуруҳ;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида бошқарув ходимларининг сони 16 та штат бирлигидан иборат Давлат суверен, корпоратив (банк) қарз мажбуриятлари ва давлат қарзи бошқармаси ташкил этилсин ва вазирликка:

Ўзбекистон Республикасининг кредит рейтингини олиш ва сақлаб туриш жараёнида ҳамда суверен ва корпоратив (банк) облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш давомида халқаро рейтинг агентликлари, молиявий ва юридик консультантлар ва бошқа шахслар билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси субъектларининг суверен ва корпоратив кредит рейтингини олиш, шунингдек, суверен ва корпоратив (банк) облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш жараёнида фойдаланиладиган макроиктисодий ва бошқа кўрсаткичлар бўйича статистика ва ахборот материалларини кейинчалик хорижий шерикларга тақдим этиш учун тайёрлаш;

экспертлар, рейтинг агентликлари, молиявий консультантлар ва хорижий инвесторлар тавсияларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш ҳамда ўз ваколати доирасида уларни бошқариш, шунингдек, давлат ташкилотларининг ташқи қарзини ҳисобга олиш бўйича қўшимча функциялар юклатилсин.

6. Белгилансинки, молиявий ва юридик консультантлар ҳамда суверен облигациялар эмиссияси жараёнига жалб этиладиган бошқа шахслар хизматларининг нархи Идоралараро ишчи гуруҳнинг тўғридан-тўғри музокаралари асосида белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўн кун муддатда киритсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларини жойлаштиришдан тушадиган маблағлар, аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

органларига йўналтирилиши ва ушбу маблағлардан кейинчалик арзон уй-жойлар, автомобиль йўлларини қуриш (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш), ичимлик суви таъминоти ва канализацияни яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларни, шу жумладан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида, шунингдек, бошқа инфратузилма объектларини ободонлаштириш учун йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларини жойлаштиришдан олинadиган маблағларни тегишли муддатларга Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларини жойлаштириш ставкасидан 1 фоизга юқори ставкада қайта молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин ва бунда валюта айирбошлаш курсидаги тафовут бўйича харажатларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қоплашиши белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 июль,
ПҚ-3877-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

603 Нотариал ҳаракатлар ва ФХДЁ органлари хизматлари учун тўловларни амалга оширишда интерактив хизматларни жорий этишни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат божлари, герб йиғими ҳамда нотариуслар ва ФХДЁ органлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар учун тўловларни амалга оширишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва адлия органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш ҳамда тижорат банклари махсус кассалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкининг:

нотариал хизматлар ва ФХДЁ органлари хизматлари учун тўловларни амалга оширишда интерактив ахборот-коммуникация воситаларидан, жумладан, банкомат, терминал, инфокиоска ва мобил иловаларни жорий қилиш ҳамда улардан кенг фойдаланиш;

нотариуслар ва ФХДЁ органлари ундирадиган ҳамда тижорат банкларининг нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари бинолари ва хоналарида очилган махсус кассалари орқали тушаётган давлат божи тўловлари суммасининг бир фоизи миқдоридан тижорат банклари мукофот олиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Нотариал идоралар ва ФХДЁ органлар биносидан махсус кассалар ва тўлов пунктлари очилганлиги учун тижорат банклари ва тўлов пунктлари агентлик тармоқлари ижара тўлови, коммунал ва эксплуатацион хизматлар тўловларидан озод қилинсин, коммунал ва эксплуатацион хизматлар харажатлари кейинчалик адлия органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маблағлари ҳисобига қоплансин.

3. Тижорат банкларига:

нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари бинолари ва хоналарида очилган махсус кассалар иш режимини тегишли равишда нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари иш режими билан мувофиқлаштириш, шунингдек, уларни банк пластик карталаридан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозлаш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 июлда эълон қилинган.

нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари бинолари ва хоналарида очилган махсус кассаларнинг юқори тезликдаги жаҳон Интернет тармоғига ула-нишини таъминлаш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 июль,
540-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

604 Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартиб- га солиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Транспорт воситалари ҳайдовчилари, шу жумладан республика ҳудуди-га ташриф буюрадиган туристлар учун қулай шароитлар яратиш, шунинг-дек, туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали енгил автотранспорт воси-таларидан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирли-гининг 2018 йил 1 августдан бошлаб, жисмоний ва юридик шахсларга туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали енгил автотранспорт воситаларидан пулли асосда фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллан-син.

2. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Инно-вация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳарака-ти хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЙҲХХ деб аталади) томо-нидан 1 йилга бериладиган рухсатнома асосида ҳамда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган давлат стандарти бўйича енгил автотранспорт воситалари орқа ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги 5 фоиздан ҳамда орқа ён ой-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 июл-да эълон қилинган.

наларининг тусини 30 фоиздан кам бўлмаган даражада ўзгартиради (қорайтиради);

енгил автотранспорт воситалари олд ойнасининг тепа қисми тусини эни 14 см дан кўп бўлмаган ва ёруғлик ўтказувчанлиги 30 фоиздан кам бўлмаган полоса шаклида ўзгартириш (қорайтириш) учун рухсатнома талаб этилмайди;

енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш ва ўзгартириш бўйича тўловлар ставкаси жисмоний шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг тўксон баравари, юридик шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз йигирма баравари, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар юридик шахслари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз қирқ бараварини ташкил этади;

енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш ва ўзгартириш учун тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларини моддий рағбатлантириш ва бошқа харажатлар Махсус жамғармасига ва кейинчалик «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлар кўрсатиш маркази» ДУКнинг енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) билан боғлиқ харажатларини қоплашга, шунингдек, ДЙҲХХ моддий-техника базасини ривожлантириш ва ходимларини ижтимоий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилади;

хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган 15 АҚШ доллари миқдорига йиғим ундирилади ва ушбу маблағлар ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга мақсадли йўналтирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш ва ўзгартириш бўйича тушадиган маблағларни ҳисобга ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларини моддий рағбатлантириш ва бошқа харажатлар Махсус жамғармасида алоҳида банк ҳисобрақамини очсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш ва ўзгартириш учун тушадиган маблағларни тақсимлаш ҳамда улардан «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлар кўрсатиш маркази» ДУКнинг ойналар тусини ўзгартириш (қорайтириш) билан боғлиқ харажатларини қоплашга, шунингдек, ДЙҲХХ моддий-техника базасини ривожлантириш ва ходимларини ижтимоий рағбатлантириш учун фойдаланиш тартибини бир ой муддатда тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ўзстандарт» агент-

лиги билан биргаликда энгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) бўйича давлат стандартларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда:

хизмат энгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш ва ўзгартириш бепул амалга ошириладиган давлат органлари рўйхатини тасдиқласин;

энгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ойналарининг туси рухсатномасиз ўзгартирилган (қорайтирилган) энгил автотранспорт воситаларидан фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) энгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун мажбурий йиғимларни ундириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига оқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 июль,
547-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 26-27-сон, 298-модда) билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламент 74-бандининг биринчи хатбошига «шунингдек, ички ишлар органлари рухсатномаси асосида ойналарининг туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларига» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 12-сон, 109-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига 3-илованинг 7.4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7.4. Барча транспорт воситасининг олд, ён ва орқа ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги 70% дан кам бўлса, автомобиль томидаги люк ойнаси бундан мустасно, шунингдек, ички ишлар органлари рухсатномаси асосида енгил автотранспорт воситалари ойналарининг туси ўзгартирилган (қорайтирилган) бўлса.

Изоҳ: III класс М3 тоифадаги автотранспорт воситаларининг икки ёнига орқа томон кўринишини таъминлайдиган ташқи кўзгу ўрнатилган бўлса, орқа ва ён ойналарига парда, шунингдек, М1 тоифадаги автотранспорт воситаларининг орқа ойналарига чий парда ва дарпарда ўрнатишга рухсат этилади».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ
КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ****605 Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом-
га қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон «Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сон қарори (рўйхат рақами 2793, 2016 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 22-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий аттестация
комиссияси раиси**

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 июнь,
254/9-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2018 йил 28 июндаги 254/9-сон қарорига
ИЛОВА

Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга критилаётган қўшимчалар

1. 10-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«ОТМда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ижодий ишлари илмий унвон олиш учун талаб этиладиган илмий мақолаларга ҳамда ижодий ишлари каталоги ўқув қўлланмага тенглаштирилади.»

2. Қуйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

«15¹. Профессор илмий унвони истисно тариқасида, ОТМда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатаётган, қуйидаги талабларни бажарган мутахассисларга ҳам берилиши мумкин:

а) камида икки ўқув йили давомида ОТМда педагогик фаолият кўрсатаётган;

б) ижодий ишлари бўлган;

в) халқаро ва республика миқёсидаги нуфузли кўргазмаларда муносиб иштирок этган;

г) республика ва халқаро танловларда нуфузли ўринларни эгаллаган шогирдларни тайёрлаган;

д) миллий тасвирий ва амалий санъат, дизайн соҳаларини ўзининг йирик асарлари билан бойитган;

е) Ўзбекистон Бадий академияси академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, Халқ устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонларига эга бўлган.»

3. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2018 йил 27 июнь

*Инновацион
ривожланиш вазири*

И. АБДУРАХМОНОВ

2018 йил 27 июнь

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2018 йил 27 июнь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 27 июнь

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

2018 йил 27 июнь

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2018 йил 27 июнь

Қишлоқ хўжалиги вазири

Б. ЮСУПОВ

2018 йил 27 июнь

*Фанлар академияси
президенти*

Б. ЮЛДАШЕВ

2018 йил 27 июнь

*Жисмоний тарбия ва
спорт вазири*

Ш. ИСРАИЛОВ

2018 йил 27 июнь

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА ҚЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

606 Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ҳамда рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24, 43-сон қарори (рўйхат рақами 2038, 2009 йил 6 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 46-сон, 501-модда) билан тасдиқланган Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 июлда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 июнь,
01/19-10/27-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 июнь,
21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш департаментининг
2018 йил 21 июндаги 01/19-10/27,
21-сон қарорига
ИЛОВА

**Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув функцияларни бажарадиган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берилган шахслар;

операцияларни тўхтатиб туриш — мижознинг топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевожуба ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуроли тарқатишини олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

Рўйхат — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати.»

2. 3-бандда:

иккинчи хатбоши «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўздан кейин «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва уларни камайтириш;».

3. 4-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини текшириш ва кўчмас мулк олди-сотдиси фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишини аниқлаш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирлар қўллаш;»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотларни (хужжатларни) махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида тақдим этиш;»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар иштирокидаги операцияларни тўхтатиб туриш ва тўхтатиб турилган куннинг ўзида бундай операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш;»;

ўн иккинчи хатбошида «баҳолаш» деган сўздан кейин «, хужжатлаштириш» деган сўз билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари амалга ошираётган операцияларини чуқур мониторинг қилиш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш.».

4. 6-банднинг бешинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 10-банддаги, 13-банднинг саккизинчи хатбошисидаги, 15-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 32¹-банддаги, 33-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 34-банднинг биринчи хатбошисидаги, 35-банддаги, 36-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 38-банддаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 11-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «Департаментга» ва «Департаментнинг» деган сўзлар тегишлича «махсус ваколатли давлат органига» ва «махсус ваколатли давлат органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 14-банддаги «Департамент» деган сўз «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Қуйидаги мазмундаги 16²-банд билан тўлдирилсин:

«16². Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли хужжатлар асосида мижознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш;

мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказиш.

Мижозни лозим даражада текшириш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган чораларни кўриш билан бирга, мижоз ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахсларга нисбатан биржа аъзоларининг ходимлари:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбаларини аниқлаш бўйича оқилона чораларни кўриши;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина риэлторлик ташкилотларининг раҳбарияти рухсати билан киришиши;

амалий иш муносабатларини мониторинг қилиб бориши лозим.».

8. 25-бандда «Департамент» деган сўз «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 26-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг назоратидаги шахслар ёки Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари.».

10. 29¹-банднинг биринчи хатбошиси «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлардан кейин «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Биржа аъзолари операцияларни амалга оширишда уларнинг иштирокчилари идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатилиши лозим, агарда:

мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланилаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси бўлган юридик шахс Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

Рўйхатга киритилган шахснинг операцияси тўхтатиб турилганда биржа аъзолари махсус ваколатли давлат органига бу ҳақида хабар юбориши лозим.

Биржа аъзолари тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни ва ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат беришни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.».

12. 36¹ ва 40-бандларидаги «Департамент» деган сўз «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон республика товар-

хом ашё биржаси ва Республика универсал агросаноат биржаси билан келишилган.

«Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» АЖ бошқаруви раиси в. в. б.

Ф. ИБРАГИМОВ

2018 йил 21 июнь

«Республика универсал агросаноат биржаси» АЖ бош директори

Т. ВАЛИТОВ

2018 йил 21 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

607 Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-2

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мах-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 июлда эълон қилинган.

камасининг 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 8 августдаги 01/19-18/04, 27-сон қарори (рўйхат рақами 2257, 2011 йил 24 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 357-модда) билан тасдиқланган Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
кўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 июнь,
01/19-10/28-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 июнь,
22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий
жиноятларга қарши курашиш департаментининг
2018 йил 21 июндаги 01/19-10/28,
22-сон қарорига
ИЛОВА

**Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

ўн иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;»;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«**юқори мансабдор шахслар** — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув функцияларни бажарадиган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берилган шахслар;

операцияларни тўхтатиб туриш — мижознинг топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевоқиф ёки билвоқиф мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкдаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуроли тарқатилишининг олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

Рўйхат — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек, чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқ-

аро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг рўйхати.».

2. 2-бандда:

иккинчи хатбоши «молиялаштиришга» деган сўздан кейин «ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид таваккалчиликларни аниқлаш, уларни баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва камайтириш;».

3. 3-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини текшириш ва кўчмас мулк олди-сотдиси фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишини аниқлаш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирлар қўллаш;»;

бешинчи хатбошидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар иштирокидаги кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича операцияларни ҳамда бошқа битимларни тўхтатиб туриш ва тўхтатиб турилган куннинг ўзида бундай операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиши;»;

ўн иккинчи хатбоши «баҳолаш» деган сўздан кейин «, ҳужжатлаштириш» деган сўз билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари амалга ошираётган операцияларини чуқур мониторинг қилиш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш.».

4. 6-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 7-банддаги «Департаментга» ва «Департаментни» деган сўзлар тегишинча «махсус ваколатли давлат органига» ва «махсус ваколатли давлат органини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 10-банднинг бешинчи хатбошидаги, 23¹-банддаги, 24-банднинг иккинчи хатбошидаги, 25-банднинг биринчи хатбошидаги, 26-банддаги,

27-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 29-банднинг биринчи хатбошисидаги «Департаментга» деган сўз «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 8-бандда «Департаментга» ва «Департаментнинг» деган сўзлар тегишинча «махсус ваколатли давлат органига» ва «махсус ваколатли давлат органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Қуйидаги мазмундаги 14²-банд билан тўлдирилсин:

«14². Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш;

мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказиш.

Мижозни лозим даражада текшириш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган чораларни кўриш билан бирга, мижоз ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахсларга нисбатан риэлторлик ташкилотлари:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни манбаларини аниқлаш бўйича оқилона чораларни кўриши;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина риэлторлик ташкилотларининг раҳбарияти рухсати билан киришиши;

амалий иш муносабатларини мониторинг қилиб бориши лозим.».

9. 20¹-банднинг учинчи хатбошисидаги «Департамент» деган сўз «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 20²-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахснинг назоратидаги шахслар ёки Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори ёки назорат қилувчи шахслар;»;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари;»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

11. 20⁴-банднинг биринчи хатбошиси «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлардан кейин «ёки оммавий қирғин тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12. 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Риэлторлик ташкилотлари операцияларни амалга оширишда уларнинг иштирокчилари идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатилиши лозим, агарда:

мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси бўлган юридик шахс Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

Рўйхатга киритилган шахснинг операцияси тўхтатиб турилганда риэлторлик ташкилоти махсус ваколатли давлат органига бу ҳақида хабар юбориши лозим.

Риэлторлик ташкилотлари тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулқидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.»

13. 29¹ ва 30-бандлардаги «Департамент» деган сўз «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

608 **Электр энергиясини электр тармоқлари бўйлаб узатиш ва тақсимлашда технологик йўқотишларнинг нормативларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 17-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2871-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2017 йил 6 мартдаги 2-сон буйруғи (рўйхат рақами 2871, 2017 йил 31 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 211-модда) билан тасдиқланган Электр энергиясини электр тармоқлари бўйлаб узатиш ва тақсимлашда технологик йўқотишларнинг нормативларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 17-бандигаги «2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг 69-бандига» деган сўзлар «2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг 75-бандига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Д. ИСАКУЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 июль,
8-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 июлда эълон қилинган.

*Келишилган:**Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**2018 йил 9 июль**Иқтисодиёт вазири**Б. ХОДЖАЕВ**2018 йил 3 июль**«Ўзстандарт» агентлиги
бош директори**А. КАРИМОВ**2018 йил 27 июнь**«Ўзбекэнерго» АЖ
бошқаруви раиси**У. МУСТАФОЕВ**2018 йил 19 июнь**«Олмалиқ кон-металлургия
комбинати» АЖ бошқаруви раиси**А. ФАРМАНОВ**2018 йил 12 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

609 Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3039*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 744-сон «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир в. б.

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 июнь,
342-сон

Ўзбекистон Республикаси
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2018 йил
7 июндаги 342-сон буйруғига
ИЛОВА

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 744-сон «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ гидротехника

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 июлда эълон қилинган.

иншоотларининг (бундан буён матнда ГТИ деб юритилади) хавфсизлигини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ГТИ — тўғонлар (плотиналар), гидроэлектр станциялар бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суюқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (қўтармалар);

фойдаланувчи ташкилот — тасарруфида (балансида) ГТИ бўлган корхона, муассаса ва ташкилот;

фавқулодда вазият — муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек ГТИнинг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, одамлар соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етказилишига, жиддий моддий талафотларга ва одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган вазият;

ГТИ хавфсизлиги — ГТИнинг одамлар ҳаёти, соғлиғи ва қонуний манфаатларини атроф табиий муҳит ва хўжалик объектларини муҳофаза қилишни таъминлаш имконини берувчи ҳолати;

ГТИ хавфсизлиги мезонлари — ГТИ ҳолатининг ва ундан фойдаланиш шартларининг ГТИ аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражасига мувофиқ миқдор ва сифат кўрсаткичларининг чекланган қийматлари.

2. Баъзи алоҳида ГТИлар учун фойдаланувчи ташкилот томонидан мазкур Қоидаларга зид бўлмаган хавфсизлик қоидалари ишлаб чиқиши мумкин.

3. ГТИларда хавфсизлик декларацияси ва ГТИларнинг кадастрини юришти тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 ноябрдаги 499-сон «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.

4. ГТИлар ҳудуди чегарасида фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган объектларни қуриш тақиқланади.

5. ГТИларда сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқбўйи минтақалари белгиланиши ва санитария муҳофазаси зоналари ташкил этилиши керак.

6. ГТИларда доимий хизмат қиладиган навбатчи ходимларни қиш мавсумида иситиш ва ёнғингарчиликлардан ҳимоя қилиш учун, махсус турар жойлар ажратилиши лозим.

7. Махсус турар жойларнинг бинолари электрлаштирилган, тезкор алоқа воситалари, фойдаланиш учун столлар, ўтириш учун стул ва скамейкалар,

ичимлик суви учун идиш, ташқи кийим учун илгаклар билан жиҳозланган бўлиши керак.

8. Совуқ даврларда хона ичидаги ҳаво ҳарорати 20° С дан паст бўлмаслиги керак. Бинонинг ёритилиши ушбу Қоидаларнинг 1-иловасидаги* жадвалда келтирилган кўрсаткичларга мос келиши керак.

9. Ҳар бир бинода биринчи тиббий ёрдамчи воситалар бўлиши керак.

10. Жабрланганлар ёки иш жойида тўсатдан касал бўлиб қолганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилгандан кейин улар яқин жойлашган тиббий муассасага олиб борилиши керак.

11. ГТИларда бино ва иншоотларни ёнғиндан ҳимоя қилиш мавжуд ёнғин хавфсизлиги қоидалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, тармоқ стандартлари талабларига жавоб бериши керак.

12. Ҳар бир бинода ёнғинни назорат қилиш органлари билан келишилган ҳолда, фойдаланувчи ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланган ёнғин хавфсизлиги чоралари, шунингдек, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи усули мавжуд бўлиши керак.

13. Фойдаланувчи ташкилот ГТИларини қўриқланишини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши керак.

14. Ўта муҳим тоифали объектларни қўриқланиши Республика идоралар-аро комиссияси томонидан белгиланган ихтисослаштирилган хавфсизлик фойдаланувчи ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

15. ГТИлар комплекси таркибига кирувчи иншоотлардан фойдаланиш фойдаланувчи ташкилот томонидан тасдиқланган йўриқнома талабларига, технологик ускуналар эса ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

16. ГТИлардан фойдаланиш йўриқномаси камида 1 йилда 1 марта қайта кўриб чиқилиши лозим.

ГТИлардан фойдаланиш йўриқномасига ўзгартиришлар киритилганда барча ходимларга етказилиши ва таништирилиши зарур ҳамда бу ҳақда тегишли журналга қайд этилиши шарт.

17. Ходимлар учун хавф туғдириши мумкин бўлган ГТИлардан фойдаланиш, фойдаланувчи ташкилотнинг техник раҳбари томонидан тасдиқланган йўриқнома асосида амалга оширилади. Хавф туғдирувчи ГТИлар рўйхати фойдаланувчи ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

18. Аварияларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган алоқа воситалари, техник ва авария захира материаллари керакли миқдор ва номенклатура бўйича жойлаштирилиши керак.

19. ГТИларида транспорт воситалари ва механизмларни эркин ҳаракатланишига тўсқинлик бўлмаслиги керак. Кириш йўллари яхши ва соз ҳолда сақланиши лозим. Кириш йўли чизмаси, одамлар ва транспорт ҳаракати учун олдиндан белгиланиши ва ушбу ҳудуддаги ишлар учун жалб этилган барча транспорт воситалари ҳайдовчиларига етказилиши керак.

20. ГТИлар ҳудудига бегона транспорт воситаларининг кириши тақиқланади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

21. ГТИлардан хавфсиз фойдаланиш учун масъул бўлган техник раҳбар, гидротехника соҳасида олий маълумотли мутахассислар орасидан тайинланади.

ГТИлардан фойдаланиш бўйича бўлинмалар мутахассислари тегишли участкаларда иш олиб бориши ва ускуналар билан ишлаш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун олий ёки ўрта-махсус маълумотга, иш тажрибасига эга бўлишлари ва ўқув курсларини ўтаган бўлишлари керак.

22. Ҳар бир ходим ГТИни техник ҳолатига таъсир кўрсатадиган ёки техник жихозларнинг нотўғри ишлаши ёки назорат ўлчов асбоблари (бундан буён матнда НЎА деб юритилади) кўрсаткичлари бузилишлари, фуқаролар ҳаёти ва аτροφ-муҳитга таъсири, хавф туғдириши мумкинлигини аниқлаган ҳолда тезкорлик билан бевосита бошлиғига ёки юқори турувчи раҳбарга етказиши ва ўзининг мансаб йўриқномасига мувофиқ аниқланган носозликларни бартараф этиш чораларини кўриши зарур.

23. Мутахассис ва ишчилар гидромеханик ускуналар, юк кўтариш кранлари ва бошқа кўтариш иншоотлари, босимли ускуналар, электр қурилмаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ва бошқа ихтисослаштирилган ишларини бажариш учун махсус тайёргарликдан ўтишлари лозим ва тегишли низом талабларига мувофиқ ишлашга йўл қўйилади.

24. Фойдаланувчи ташкилотда барча техник воситалар ва ускуналарнинг рўйхати техник раҳбар томонидан тасдиқланган бўлиши керак, уларни таъмирлаш ишлари рухсатнома-наряди бериш асосида амалга оширилиши лозим.

25. ГТИларни, тармоқ ва асбоб-ускуналарни капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш ишлари ҳар йили техник раҳбар томонидан тасдиқланадиган режалаштирилган таъмирлаш графиги орқали амалга оширилади.

26. ГТИлардан фойдаланиш барча зарур қурилиш машиналари, механизмлари, транспорт воситалари, кузатув мосламалари ва материаллари ёрдамида амалга оширилиши керак.

ГТИлардан фойдаланиш уларнинг хавфсизлиги ҳолатини ва ишончли ишлашини, шунингдек технологик асбоб-ускуналарни узлуксиз ишлаши ва тежамкорлигини таъминлаш зарур.

27. Авария-тиклаш ишлари авария содир бўлганида имкон қадар тез амалга оширилади, одамлар ҳаётига ва катта моддий зиённи келиб чиқишига таҳдид соладиган носозликлар зудлик билан бартараф этилади.

28. ГТИлардан фойдаланувчи ташкилот мазкур Қоидаларнинг 2-илоvasидаги* схемада фавқулодда вазиятларда ҳаракатлар режаси (бундан буён матнда ФВХР деб юритилади)ни тузишини ва тасдиқлашини таъминлаши шарт.

29. ФВХР ГТИлардан фойдаланиш ташкилотининг техник раҳбари томонидан тайёрланади ва тасдиқланади. ГТИларида ўзгаришлар юзага келиши билан уч кун муддат ичида ФВХРга зарурий ўзгартиришлар киритилиб, манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ва имзо қўйдирилган ҳолда тегишли мансабдор шахсларга етказилиши лозим.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

30. Фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда ва уларни бартараф этиш жараёнида шахсан иштирок этиши ва ҳаракат қилиш тартиби бўйича мутахассисларни ўқитишни фойдаланувчи ташкилотнинг техник раҳбари амалга оширади, ишчиларни эса тегишли бўлинма бошлиғи ўқитади.

Ишчи ва мутахассисларни ўқитиш ўрнатилган тартибда рўйхатга олиш ва уларнинг шахсий карточкасига тегишли белги қўйиш ва имзолатиш йўли билан ҳар йили амалга оширилади. Билим даражаси ҳар йили текшириб борилади.

31. ФВХРга мувофиқ аттестациядан ўтмаган ходимларни ишга олинишига йўл қўйилмайди.

32. ГТИларда ходимлар учун кўринарли жойда ФВХР, диспетчерлар хонасида эса фавқулодда вазиятларда хабардор қилиш тартиби ўрнатилиши керак.

33. Ишчи ходимлар томонидан ФВХРни амалга ошириш бўйича ўқув машғулотлари ГТИлардан фойдаланувчи ташкилот раҳбари томонидан ҳар йили тасдиқланган жадвалга мувофиқ белгиланган муддатда амалга оширилади.

2-боб. ГТИдан фойдаланишда зарур бўладиган ҳужжатлар

34. Ҳар бир тузилма (бўлинма, участка)да мутахассислар орасидан техник ҳужжатларни қабул қилиш ва сақлаш учун масъул бўлган ходим тайинланиши лозим, ҳужжатларни сақлаш учун хона (шкафлар) ажратилиши, сақланган ва берилган ҳужжатларнинг ҳисобини олиб бориш бўйича журнал юритилиши лозим.

35. Лойиҳа, ижроия қурилиш ҳужжатлари ва иншоотларнинг аввалги йиллар ҳолатини назорат қилиш материалларини сақлаш жойи ва тартиби фойдаланувчи ташкилот раҳбарининг буйруғи билан белгиланади. Ҳужжатлар махсус ҳисобга олиш журналида қайд этилиб, унда ушбу ҳужжатларни доимий сақлаш жойи ва уларнинг архив рақамлари кўрсатиб олиб борилиши лозим.

36. Техник ҳужжатларни қабул қилиш ва сақлаш бўйича масъул ходим ўзгарганида барча мавжуд ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилиши керак. ГТИлардан фойдаланиш учун зарур бўлган техник ҳужжатларни қабул қилиш ва топшириш комиссия томонидан амалга оширилади ва фойдаланувчи ташкилотнинг техник раҳбари томонидан тасдиқланган далолатнома билан расмийлаштирилади.

37. ГТИ ва асбоб-ускуналар нормал даражада ишлашини таъминлаш учун қуйидаги асосий ҳужжатлар бўлиши лозим:

ГТИларни қурилиши учун ер танлаш ва ажратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти ёки Ҳукумат қарори;

тасдиқланган лойиҳа ёки ишчи лойиҳага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, лойиҳа экспертизаси материаллари билан;

ГТИлар ва бошқа объектларни қуриш ёки реконструкция қилиш учун ишчи ҳужжатлар;

фойдаланишга топширилган объектлар ва ГТИларнинг ижро этувчи қурилиш ҳужжатлари;

сув ҳисоблагич воситалари, пьезометрлар, шелемерлар, маркалар ва реперларни ўрнатиш учун қабул қилинган ижро далолатномалари;

лойиҳалар, ишчи ҳужжатлар ва бошқа мақсадлар учун олиб борилган муҳандислик тадқиқотлари ҳисоботлари;

илмий-тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботлар;

ГТИни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат ва ишчи қабул қилиш комиссиясининг далолатномаси;

ўрнатилган ускуналардан фойдаланиш учун паспорт ва завод йўриқномалари;

лойиҳа таркибида ишлаб чиқилган ГТИдан фойдаланиш қоидалари;

қурилиш даврида ГТИ хавфсизлиги бўйича мониторинг натижалари;

давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси;

ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

объектнинг хавфсизлик декларацияси;

ГТИнинг кадастри, техник паспортлари, иншоотлар билан содир бўлган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар, шунингдек ГТИларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш тўғрисидаги маълумотлар;

ГТИ хавфсизлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома;

ГТИ объектларидан фойдаланиш бўйича йўриқномалар;

мутахассисларнинг амалдаги лавозим йўриқномалари;

меҳнат-муҳофазаси бўйича йўриқнома;

асбоб-ускуналар, бинолар ва ГТИлардан фойдаланиш бўйича йўриқнома;

саноат санитария ва ёнғинга қарши хавфсизлик йўриқномалари;

фойдаланиш ходимларининг билимини текшириш, йўриқномада ўтказиш ва ўқитиш бўйича материаллар;

фавқулудда вазиятларда хабар бериш тартиби;

фавқулудда вазиятларда ҳаракатлар режаси;

ГТИларнинг хавфсизлик мезонлари (назоратдаги кўрсаткичлар);

ГТИлар объектларининг вазият режаси;

ГТИлар фаолиятининг йиллик графиги (сув омборлари учун иш режими, сувдан фойдаланиш режалари ва бошқалар);

тўғонлар, дамбалар ўқи, коллектор, каналлар трассаси бўйлаб кўндаланг кесимининг лойиҳадаги ва амалдаги белгилари;

ўзанларни ювилиши ва лойқалиги, қирғоқларни қайта ишлаш ва сув ости чўкиндилари бўйича охириги кузатув натижалари;

ГТИлар ва уларнинг алоҳида элементлари учун натура кузатиш графиклари ва журналлари;

таъмирлаш-тиклаш ишлари, режали-огоҳлантириш графиги;

фойдаланиш ходимлари томонидан бажарилган ёпиқ ишлар далолатномалари;

ГТИларининг ҳолати тўғрисидаги йиллик ҳисоботлари;

ёнғин ўчириш тезкор режаси;

ГТИларидан фойдаланиш ёки қуриш ҳуқуқини берувчи лицензия (фаолият турини лицензия талаб қилинганда);

ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан бажарилган ГТИларнинг техник ҳолатини баҳолаш бўйича хулосалар;

ГТИ ва асбоб-ускуналарининг ишдан чиқиши ва бўлиб ўтган авариялар тўғрисидаги далолатномалар, уларнинг сабабларини текшириш материаллари;

ГТИларнинг хавфсизлиги декларациялари бўйича давлат экспертизаси хулосалари;

ГТИларни қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ фойдаланувчи ташкилотларнинг буйруқ ва фармойишлари;

лойиҳа ва ижро қурилиш ҳужжатлари, шунингдек муаллифлик ва геотехник назорат ҳужжатлари, ГТИларининг инструментал кузатиш материаллари фойдаланувчи ташкилот архивида ГТИларни консервациялаш ёки тугатилишига қадар сақланиши керак.

3-боб. ГТИларнинг умумий хавфсизлик талаблари

38. ГТИларнинг конструкцияси, ўлчами ва жойлашиш ўрни лойиҳага мувофиқ бўлиши керак.

39. ГТИлардан фойдаланишда техник фойдаланиш қоидаларига мувофиқ қатъий амал қилиш ва бажариш шарт.

40. ГТИларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш учун қуйидагилар талаб этилади:

ГТИнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ГТИнинг юқори ва қуйи сув сатҳидаги белгиларини мунтазам мониторинги олиб борилиши;

лойиҳа томонидан белгилаб қўйилган ГТИларда сув сатҳи белгисини сақлаб қолиниши, ГТИнинг юқори сатҳида лойқа босишига, қуйи сатҳида ювилишига, коллекторлар ва каналлар ўзанларини лойқа босишига йўл қўймаслик, тўсиқсиз нормал сув ўтказиш;

ўз вақтида, сув ўтказиш иншоотларининг ораликларини чиқиндилардан тозалаш, уларга бегона сузиб ўтувчи жисмлар тушиши олдини олиш;

сув объектларида ўзан тозалаш ишлари амалга оширилиши натижасида ГТИлар ҳамда бошқа муҳандислик иншоотлари хавфсизлигига таҳдид аниқланганда, уни бартараф этиш мақсадида, зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги ёки унинг ҳудудий органларини хабардор қилиш;

натура кузатувларининг мунтазам равишда юритилишини таъминлаш ва уларнинг натижаларини ўз вақтида таҳлил қилиш, зарур ҳолларда лойиҳа ва илмий ташкилот мутахассисларини жалб қилиш;

лойиҳада кўзда тутилган сув таъминоти тармоғи узунлиги бўйлаб ва ГТИ орқали майший ва тошқин сувлар сарфларини камайтиришга қаратилган ГТИнинг сув ўтказиш қобилятини таъминлаш;

41. Каналлар ва коллекторлар трассасига техник хизмат кўрсатиш учун ГТИлар ҳудуди қулай бўлиши керак.

42. ГТИлардан фойдаланиш жараёнида ҳосил бўлган чиқиндилар вақтинча махсус жойларда сақланиши зарур, улар белгиланган тартибда йўқ қилинади ёки чиқиндихоналарга олиб кетилади.

43. ГТИлар ҳолатининг мунтазам равишда назорати амалга оширилиши ва белгиланган кўрсаткичларга риоя қилиниши лозим.

44. Тўсувчи дамбаларда, тўғонларда, каналларда, дренажларда, туннелларда пикет бўйича иншоотнинг узунлигида, ер ости ёки сув остидаги махфий алоқа ва коммуникациялар билан кесишадиган жойларда (кабеллар, сув қувурлари ва бошқалар) тегишли белгилар бўлиши лозим.

45. Тозаланмаган оқова ва бошқа сувларни сув манбаларига ташлаш, шунингдек лойиҳа ҳужжатларида кўзда тутилмаган ГТИнинг жойлашган ҳудудида сақлаш тақиқланади.

46. ГТИлар ҳудудларига кирадиган жойларда бегона шахслар киришини тақиқловчи белгилар бўлиши керак. ГТИ акваториясида жойлашган яқин ҳудудларда чўмилиш тақиқланади.

47. Канал ва тўғон дамбаларидан фойдаланишида дамба қияликларининг куйи ва юқори қисмларида карьерлар ташкил этиш ва котлованлардан тупрок, қум-шағал қазиб олинишига рухсат этилмайди. Ушбу ҳудудлардаги тупроқни ишлатиш фақат зарурий асосланган ҳолда амалга оширилади.

48. Сувни ростловчи затвор ва механизмлар ҳамда электротехник жиҳозлари доимо ишчи ҳолатда бўлиши керак.

49. Капитал таъмир ва монтаж ишларидан сўнг гидромеханик ускуналардан фойдаланишни бошлашдан олдин далолатнома тузиш орқали мустаҳкамлик ва зичлиги синовидан ўтказилиши керак.

Лойиҳада синов тартиб-қоидаси белгиланмаган ҳолларда, синовларни шахарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқ олиб борилиши керак.

50. Тоннелларнинг шамоллатиш қурилмалари ва тўғоннинг сув чиқариш галереялари ишчи ҳолатда бўлиши керак.

51. Гидромеханик ускуналар бузилган ҳолларда, таъмирлашни олиб бориш учун сув ўтказиш оралиқлар (тешиклар)ида шандорали тирқиш (паза) ёки авария-таъмир затворлари бўлиши керак.

52. ГТИни фойдаланиш жараёнида шандораларни ўрнатиш ишлари хавфсиз бажарилишини таъминлайдиган ёки бошқа қулай жойларда амалга оширилади.

53. Хизмат кўпригига кириш эшиклари қулфланган ёки девор эшиклари билан қопланган бўлиши керак. Бегона шахсларнинг кўприклардан рухсатсиз кириш имконияти чекланиши керак.

54. Таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун йилнинг ҳар қандай вақтида шандора ва таъмирлаш материалларини етказиб бериш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши керак.

Ускуналар ва таъмирлаш материалларини сақлаш жойлари, улардан фойдаланиш ва таъминлаш учун масъул шахслар йўриқнома билан белгиланади.

55. Юқори сув сатҳидан камида 0,5 м баландликдаги ҳар бир сув чи-

қариш тешикларини ёпиш учун ГТИда авария захира шандоралари белгиланган миқдорида сақланиши керак.

56. Ишлаб чиқаришда лойиҳадан четлаб ўтилган яроқсиз шандоралар ГТИларда ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

57. ГТИларни текшириш ва таъмирлаш техника хавфсизлик қоидалари талабларига мувофиқ рухсат этиладиган наряд бўйича амалга оширилади.

58. Сув чиқариш иншоотларини тозалаш ишлари масъул раҳбар иштирокида амалга оширилиши керак.

59. Нуқсон ва бузилган жойларни аниқлаш учун, ГТИлар йилига икки марта (бахор ва кузда) умумий техник текширувдан ўтказилиши лозим. Режали текширувлардан ташқари, ГТИларни фавқулудда ҳодисалар ёки авариялардан сўнг навбатдан ташқари текширувлари ўтказилиши лозим. Аниқланган камчиликлар ва бузилишлар бартараф этилиши лозим. Текширувлар натижаларига кўра махсус далолатномалар расмийлаштирилади.

60. Тошқин мавсуми бошланишидан бир ой олдин фойдаланувчи ташкилотда тошқинга қарши комиссия ташкил этилади ва сув тошқинларини хавфсиз қабул қилиш ва ўтказиш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилади. Режа гидрометеорология хизмати томонидан тақдим этилган сел оқибатлари маълумотлари асосида ишлаб чиқилади. Режада юқори сув оқими, дастлабки сарф-харажатлар, сув тошқинини бетолофат ўтказиб юбориш чоралари кўзда тутилган бўлиши керак.

Тошқинга қарши комиссия фойдаланувчи ташкилотнинг техник раҳбари томонидан тасдиқланган ҳужжат асосида сув тошқинларини қабул қилиш ва ўтказиб юбориш учун объектларнинг тайёргарлиги тўғрисида далолатнома тузади.

61. Барча мутахассислар ва фойдаланиш ишчи-ҳодимлари чора-тадбирлар режасида қайд этилган сув тошқинларини қабул қилиш ва ўтказиб юбориш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ишларни амалга оширишга ўргатилиши ва ўқитилиши керак.

62. Сув тошқинлари даврида сув сатҳини ва тошқин сувларини сув ўтказиш иншоотлари орқали ўтишини ва дамбалар техник ҳолатини кунутун назорати ўрнатилади. Бундан ташқари, ушбу давр учун муҳандислик ва техник ходимларнинг навбатчилиги ташкил этилади.

63. Чуқурликларни қайиқда туриб ўлчаш, техник воситалари (эхолот) ёрдамида, таркиби икки кишидан кам бўлмаган, қутқарув жилетини кийган гуруҳ аъзолари билан ўтказилади. Чуқурликларни қўлда ўлчашда массаси 10 кг гача бўлган лотдан фойдаланган ҳолда амалга оширишга рухсат берилади.

Чуқурликларни лот билан ўлчашда қуйидагилар: қайиқ четига (бортига) ёки ўриндиғига тик туриб ва бортдан пастга эгилиб ўлчаш, лот боғланадиган арқонни қўлга ўраш тақиқланади.

64. ГТИларда мавжуд бўлган сузиш воситалари соз ҳолатда бўлиши, сузиш воситаларида юк кўтариш қобилияти кўрсатилиши ва борт ичида қутқарув воситалари (қутқариш чамбараклари ёки пуфаклар, канопли арқон) ва сувни чиқариб ташлаш воситалари бўлиши керак.

4-боб. Махсус ускуналар билан жиҳозланган ГТИлар учун хавфсизлик талаблари

65. Ҳар бир насос станциясининг двигатель конструкцияларида кўрсатилган подшипникларни ва электр двигателлар статор симларининг ҳарорати ва босим кўрсаткичини назорат қилиш учун манометр, вакуумметр (қўйилишга эга эмас насослар учун), термометрлар ёки термосигналлар бўлиши керак.

Агрегатлар (асосий ва ёрдамчи), затворлар ва қопқоқлар қурилмалари бўялган, рақамланган бўлиши ва қувурлар йўналишидаги стрелкалар сув айланиш оқимининг ҳамда штурваллар айланиш йўналишини, шунингдек қўйи ва юқори сатҳида назорат қилиш учун сув ўлчаш ускуналари ва қурилмалари ҳамда тўқмоқлар ёки бошқа назорат органлари (қопқоқлар, затворлар ва ҳоказо) кўрсатилиши керак.

66. Насос агрегатларини ишга тушириш ва тўхтатиш ҳамда ўтиш жараёнлари билан насос станцияларига туташган иншоотларнинг ишлаш технологияси ҳисобга олинган ҳолда, лойиҳа йўриқномаси ва улардан фойдаланиш кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

67. Машина ва қурилмаларнинг барча ҳаракатлантирувчи қисмлари муҳофазаланган бўлиши керак. Олиб ташланган ва яроқсиз механизмларнинг ишлаши ҳамда ишчи механизмлари бўйича ҳар қандай операциялар ишлаб чиқишда тақиқланади.

Қурилмаларнинг ишлаши пайтида ҳимоя воситаларини олиб ташлаш, таъмирлаш ва қўлда ҳаракатланадиган қисмларни тўхтатиш тақиқланади.

68. Автоматик режим тизимида ишламайдиган, хизмат кўрсатиш ходимлари назорати остида, уларга хизмат кўрсатишга рухсатга эга бўлмаган насос станцияларини назоратсиз қолдириш тақиқланади.

69. Автоматик тизимда ишлайдиган насосларни текширишнинг даврийлиги фойдаланиш йўриқномаси билан белгиланади.

70. Насос станциясида олдиндан белгиланган иш режими, мавжуд камчилик ва авариялар ҳамда барча шовқинлар ҳақида станция катта навбатчиси бошлиқни ёки диспетчерни хабардор қилиши керак.

71. Насос агрегатларини ишлатганда, фойдаланиш йўриқномаси талабларига риоя қилиниши керак.

72. Насос станцияларининг электр узатиш линияларини таъмирлашда ажратиш ва ишга тушириш қурилмаларида «Кўшманг, одамлар ишляпти» деб номланган огоҳлантирувчи плакатлар осилган бўлиши керак.

73. Насос станцияларига хизмат кўрсатиш махсус ўқитилган шахслар томонидан амалга оширилади ва улар станция ускуналари ишлашини текшириши махсус журналларда қайд этилади.

74. Сузувчи насос станциясининг (земснаряд) сувга тушиши фойдаланувчи ташкилотнинг техник раҳбари томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ амалга оширилиши керак.

75. Ўрнатиш майдончасида сузувчи насос станцияси (земснаряд) маҳкам бириктириб қўйилган бўлиши керак ва унинг ишлатилишини таъмин-

лаш учун бўлинма билан икки томонлама симли ёки радио алоқаси бўлиши керак.

76. Сузувчи насос станцияси понтонлари (земснаряд) оқим пайдо бўлганда авария товуши ва ёруғлик сигналига эга бўлиши керак.

Понтон креномер (оғиш, қийшайишни ўлчайдиган асбоб) билан жиҳозланган бўлиши керак.

Понтон оғиши насос агрегатларининг паспортларида кўрсатилган оғиш миқдоридан ошиб кетмаслиги керак (земснаряд). Оқимнинг ва оғишнинг кучайишини тезда йўқ қилиш керак бўлади.

77. Хизматчи ходимлар қутқарув кийим (жилет)лари билан таъминланиши керак ва насос станциясида (земснаряд) иккитадан кам бўлмаган қутқарув кийимлари бўлиши лозим.

78. Сузувчи насос станциялари понтонлари (земснаряд) камида уч йилда бир марта текширилиши керак ва зарур бўлганда уларни таъмирлаш ва бўяш ишлари бажарилиши керак.

79. Насос станциясида материаллар, диаметрлари, узунлиги, қувурлар жойлашган чуқурлиги, тармоқ объектларининг жойлашган жойи (пикет), қурилма, ростловчи ва ҳимоя арматуралари, трассалар айланиш бурчаклари, бошқа ер ости тармоқлари билан кесишувлар ҳамда барча ижро этувчи қурилиш ҳужжатлари кўрсатилиши керак бўлган режа-схема бўлиши керак.

80. Насос станцияларининг қувур линияларини ва гидроэлектрстанцияларни ер ости қистирмалари (прокладка)ни ишлатиш жараёнида қуйидаги ҳолларда кузатиш:

қувурларнинг чўкиши ва ўзгариши (деформация) ҳамда таянч қурилмаларининг ҳолати;

қобикнинг ҳолати (изоляция ёки коррозияга қарши қоплама);

чоклар, бўғинлар, гардишли (фланцли) уланишларнинг зичлиги;

узатгичлар, қувурлар арматуралари, вакуумли сўриш клапанлари ва бошқаларнинг ҳолати ва ишлаши.

81. Ер ости сув ўтказгич қувурларидаги бузилишларни аниқлаш учун: сув ўтказгич қувури ва унга яқин жойда тупроқ чўкиши;

қувур трассасига бевосита яқин бўлган одатда қуруқ кювет (арикча) ва зовурларда сув пайдо бўлиши;

тармоқнинг қўшни участкаларида ўрнатилган манометрлардаги босим фарқи устидан тизимли кузатувлар ўтказилиши керак.

82. ГТИлар сув қувурларининг ҳолатини кузатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, фойдаланиш йўриқномаларида белгиланган муддатларда амалга оширилиши керак.

83. Лойқа сувларни ҳайдовчи (пульповод)лар трассаси бўйлаб узатгичлар ҳамда қўзғалмас таянчлар ҳолатини кузатиб бориш, зарурат бўлса, уларни таъмирлаш лозим бўлади.

84. Ҳар чоракда, камида бир марта қувур линиялари арматуралари, зарбаларга қарши воситалар ва тескари клапанлар кўрикдан ўтказилиши керак. Кўрик натижалари масъул шахслар рўйхати билан махсус журналда акс эттирилиши керак.

85. Деворининг қалинлиги емирилишга учраган қувур линиялари қисмлари алмаштирилиши лозим. Деворларнинг емирилиш қалинлиги ГТИнинг хавфсизлик мезонлари билан тартибга солинади.

86. Қурилма арматуралари ва зарбаларга қарши воситалардан фойдаланиш лойиҳага ва маҳаллий фойдаланиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

87. Қувурлар ва арматураларни босим остида таъмирлаш билан боғлиқ ишларни бажариш тақиқланади.

88. Металл ва темир-бетон сув ўтказгичларини сув оқимларидан коррозияга қарши назорат қилиш лойиҳада кўрсатилган усул ва муддатларда амалга оширилиши керак.

Агарда электрокоррозия аниқланса, лойиҳа ва ихтисослаштирилган ташкилот билан биргаликда қувурларни ҳимоя қилиш ва ҳимоя тадбирларини қисқа муддатда бажариш учун техник ечимларни олиш керак бўлади.

89. Барча аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ГТИнинг текширишлар журналида қайд этилиши керак.

90. Насос станцияси ва унинг бошқа иншоотларини, шунингдек гидроэлектрстанциянинг гидротехник қисмини ишлатиш учун масъул шахслар станция бошлиғи томонидан тайинланади.

91. Фойдаланишдан аввал, гидроэлектрстанциялар ва насос станцияларининг босимли сув қувурлари ва қурилмалари капитал таъмирдан ўтказилганидан сўнг, амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқ синовдан ўтказилиши керак.

5-боб. ГТИнинг электр таъминоти, алоқа, сигнализация ва ёритиш тизимларига талаблар

92. Сув тошқинларини ва сув ресурсларининг сезиларли миқдорини тартибга солишда жалб қилинган йирик ГТИлар (тўғонлар, гидроузеллар) стационаридан ташқари дизель электр энергиясидан иборат автоном (авария) электр таъминотига эга бўлиши керак.

93. ГТИлар техник алоқа воситалари ва сигнал тизимлари билан жиҳозланган бўлиши керак, улар сувни тақсимлаш жараёнлари бошқарувини, назоратини ва уларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

94. ГТИлардаги алоқа ва сигнал тизимларининг ҳолати барча шароитларда фавқулодда вазиятлар тўғрисида тезкор хабар ва огоҳлантириш имкониятини таъминлаши керак.

95. Куну тун хизматни талаб қилувчи ГТИларнинг барча сувни ростловчи иншоотларида стационар электр ёритгичлари бўлиши керак.

96. Ёруғлик тармоқларида 220 В дан ошмайдиган чизиқли кучланиш билан хавфсиз ҳолатда қўйилган нейтрал электр тизими ишлаши керак. Баъзи ҳолларда 380 В кучланишли ДКСТ лампалари қўлланилганда рухсат этилади. Ер остида ишлов бериш, туннеллар, галерея ва намлиги юқори бўлган бошқа жойларда 36 вольтдан кўп бўлмаслиги керак. Стационар ёри-

тиш мосламалари учун ер ости нейтрал билан 6/0,4 кВ трансформаторларни ишлатишга рухсат берилади.

Кечаси ишлайдиган навбатчи ходим электр энергияси узилган вазиятда батареяли ёритгичлар билан таъминланган бўлиши керак.

97. Галерея ва тоннелларда жойлашган қувур йўллари ва сув чиқариш лоткаларининг фавқулдда ёритгичлари доимий ишчи ҳолатида бўлиши керак.

98. Ишчи ва маъмурий-маиший биноларнинг ёритилиши мавжуд шаҳар-созлик нормалари ва қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

Ўдудлар, йўллар, қоронғи кечаси очиқ жойлардан ишга ўтиш жойларининг ёритилиши мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ ёруғлик жиҳатидан жорий стандартлар талабларига жавоб бериши керак.

6-боб. Назоратни ташкиллаштириш талаблари

99. ГТИлардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун хавфсизлик мезонлари ишлаб чиқилиши лозим.

Ҳар бир ГТИлар ҳолатини диагностик кўрсаткичлари аниқланган натура кузатиш натижалари бўйича мезон қийматлари билан таққослаш асосида амалга оширилиши керак.

100. ГТИларда натура кузатиш ишлари қурилиш бошидан бошлаб амалга оширилиши керак.

101. Мукамаллиги I, II ва III класс бўлган ГТИлар ҳолатини натурада кузатиш, уларга ўрнатилган НЎА ва назорат ўлчов ускуналари ёрдамида асбобли (инструментал) назоратни ўз ичига олиши керак.

Мукамаллиги IV класс бўлган тўғон ва дамбаларнинг пойдевори тегишли асосга эга бўлса, лойиҳада асбобли (инструментал) кузатувини ўтказмасликка рухсат этилади.

IV классдаги тўғон ва дамбалар учун 10 м дан ортиқ баландликда фильтрация режимини назорат қилиш мажбурийдир.

102. Мукамаллиги I, II ва III класс бўлган ГТИларида натура кузатиш ишларини (мониторинги) амалга ошириш учун кузатувлар гуруҳи (мониторинг хизмати) ташкил этилиши керак, ушбу гуруҳ аниқланган камчиликлар ҳақида дарҳол тўғридан-тўғри ўзининг раҳбарига хабар беришга мажбурдир ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмаган тақдирда, фойдаланувчи ташкилот раҳбарини хабардор қилиши керак.

Гуруҳнинг таркиби ва сони, кузатувларнинг таркиби, ҳажми ва даврийлигига боғлиқ бўлиб, фойдаланувчи ташкилоти томонидан белгиланади.

103. Фойдаланувчи ташкилотнинг ихтисослаштирилган махсус хизматлари (геодезия, гидрогеология ва бошқалар) томонидан ўлчов қийматларини лойиҳалаштиришда кўрсатилган параметрлари билан ҳамда ГТИнинг хавфсиз ишлаш мезонлари билан солиштирилиши ва маълумотларни ГТИлар бўлинмасига дарҳол ўтказилиши керак бўлган асбобли (инструментал) кузатишларни амалга оширишга рухсат берилади.

Кузатиш ишлари натижаларига кўра, фойдаланувчи ташкилотнинг тех-

ник раҳбари томонидан лойиҳада аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Мукамаллиги IV класс бўлган ГТИларни назорат қилиш махсус тайёргарликдан ўтган мутахассисларга топширилиши мумкин.

104. Лойиҳа томонидан кўзда тутилган кузатишлар билан бир қаторда, барча объектлар йилига камида уч марта комиссия текширувидан ўтказилиши керак:

сув тошқинлари ўтишдан олдин ГТИларнинг сув тошқинларини хавфсиз ўтказишга тайёрлигини текшириш;

вегетация давридан олдин ГТИлар ҳолатини ва унинг тайёрлигини текшириш;

қиш шароитида ва навбатдаги вегетация даврида нормал ишлатилиши учун куз мавсумида ГТИлар ҳолати ва тайёргарлигини текшириш;

шиддатлилиги 5 балл ва ундан юқори бўлган ҳар бир сейсмик ер силкинишидан сўнг, унинг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги таҳлили билан.

105. ГТИларнинг сув остидаги қисмларини текшириш таркиби, даврийлиги ва тартиби лойиҳа томонидан аниқланади ва фойдаланиш йўриқномасида белгиланади. ГТИлар сув ости қисмларини текширишнинг даврийлиги 5 йилдан ошмаслиги керак.

106. Мавжуд ГТИларни реконструкция қилишда муаллифлик назорати амалга оширилиши зарур ва унинг вакили ушбу ГТИни қабул қилишда иштирок этиши керак.

7-боб. ГТИлар техник ҳолатининг натура кузатуви (мониторинги)

107. Мукамаллиги I, II, III класс бўлган ГТИларида уларнинг хавфсизлигини мониторинг қилиш бўйича, таркибида иншоотлар ва улар асосларининг иши ва ҳолати устидан натура кузатувларини олиб бориш учун, қурилиш жараёнида бўлгани каби, фойдаланиш даврида ҳам назорат-кузатув асбоблари ўрнатилишини кўзда тутувчи лойиҳа ҳужжати ишлаб чиқилган бўлиши керак.

108. ГТИлардан фойдаланиш шароитларини яхшилаш ва конструктив ечимларни асослаш, ҳисоблаш натижалари ва услубларини аниқлаш ҳамда маълумот олиш мақсадида, тегишли асосларга мувофиқ ГТИларда махсус натура кузатувлари ўтказилиши керак.

109. ГТИлар ҳолатини натурада кузатиб бориш лойиҳада кўзда тутилган дастур ва даврийлик асосида ўтказилади. Натура кузатувлари параметрлари ГТИ ҳолатининг хавфсизлик мезонларига мувофиқлигини назорат қилади.

110. Натура кузатувлари визуал ва асбоб (инструментал) услубларида ўтказилади. Натура кузатувлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

кузатилган параметрлар қийматларини уларнинг рухсат этилган қийматларига мослигини назорат қилиш;

барча қурилиш тизимларининг ҳолатини назорат қилиш;

сув мувозанати (баланси)ни назорат қилиш, сув омборини тўлдириш ва ишлатилишга риоя этилиши;

вертикал ва горизонтал силжишларни назорат қилиш, бетон конструкциялар, ускуналарнинг пойдевори ва сув сақловчи иншоотлар, тупроқ тўғонлар ва дамбалар деформацияси;

йирик тўғонлар пойдеворларининг бетон элементлари ва арматура кучланишини назорат қилиш;

филтрация режимини назорат қилиш (депрессия эгри чизиги ҳолати, босим градиенти, тўғонлар ва дамбалар танасидаги филтрация босими, қурилиш чоклари, бетонли тўғоннинг зичлагич элементлари);

дренаж сувлари сифатини назорат қилиш (ҳажми, лойқалиги, кимёвий таркиби, ҳарорати);

гидроэлектрстанциялар ва насос станцияларининг гидроэнергетика ускуналари техник ҳолатини назорат қилиш.

111. ГТИни кўздан кечиришда ва кўрик вақтида аниқланган умумий камчиликлар тўғрисидаги маълумотлар визуал кузатувлар журналига киритилади. Фойдаланиш жараёнида ГТИнинг техник ҳолатига таъсир қилувчи жиддий бузилишлар содир бўлса, барча қисмларининг бузилиш санаси, хусусияти ГТИлар режаси журналига киритилади. Аниқланган нуқсонлар жойи огоҳлантириш белгиси билан белгиланади.

ГТИларнинг техник ҳолати учун масъул бўлган шахс ҳар ҳафта визуал кузатувлар журналини текшириши ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ҳамда уларнинг бажарилиши ҳақида ёзувлар қайд қилинади.

112. Масофаси 3 км дан ортиқ бўлган иншоотларни доимий кўздан кечириш юклатилган фойдаланиш ходимлари транспорт воситалари билан таъминланишлари лозим.

113. Визуал кузатувлар жараёнида хавфли хусусиятга эга бўлмаган деформациялар, (ўтиришлар, чўкишлар, ёриқ(дарз)лар, кўтарма танаси ёки асосининг айрим участкаларида бўртмалар) аниқланганда, деформациялар мавжуд бўлган участкаларда асбоб ёрдамидаги кузатувлар ташкиллаштирилади, улар аниқланган деформация барқарорлашгунига ёки тўлиқ сўнишига қадар ўтказилиши лозим. Хавфли деформациялар аниқланганда, зудлик билан уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак.

114. Геодезик усуллари бўйича натура кузатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўрнатилган НЎА (белгилар) бўйича режалаштирилган ва баландлик ҳолатининг геодезик ўлчовларини;

ГТИ ва улар асосларининг чўкиши ва силжишининг даврий ўлчовлари, шунингдек ажралиб чиққан қатламларнинг ўлчамларини;

сув омборининг тўплаш қобилятини аниқлаш мақсадида косасини батиометрик съёмка қилишни.

115. Кузатув асбоблари ёрдамида тўғон дамбаларининг айрим қисмларида, ГТИ ва унинг асосларида хавфсизликка таъсир қилувчи деформация ва аномал ҳолатларнинг ортиб бориши ёки вақт ўтиши билан сўнмайдиган

жараёнлар мавжудлиги аниқланганда, лойиҳалаш ёки ихтисослаштирилган фойдаланувчи ташкилот вакилларига тезкорлик билан хабар қилинади. Улар келиб чиққан ҳолатнинг сабабини аниқлаб, ГТИларнинг авариясиз ишлашини таъминловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозим.

116. НЎА (белгилар) тўғон ва дамбалари бўйича режали ва баландликдаги геодезик ўлчовларга мос ёзувлар, геодезик (маркшейдер) тармоққа нисбатан камида уч йилда бир марта амалга оширилиши керак, акс ҳолда рухсат этилган меъёрлардан юқори деформациялар аниқланган ҳолда кузатув частоталарини кўпайтириш мумкин. ГТИдан фойдаланиш жараёнида жиҳоз шикастланганда ёки бузилганда ушбу ускунанинг режалаштирилган ва баландлиги кузатувлари тикланиши биланоқ дарҳол амалга оширилиши керак.

117. Таянч реперини сув ўлчаш нол рейкасига нисбатан ҳар йили текшириш керак.

118. Ўт-ўланлар орасидаги реперлар рухсат этилган катталиги бошланғич циклидан ошса, таянч репери давлат геодезия тармоғидан ўтказилиши шарт.

119. ГТИ ва уларнинг асосларининг чўкиш ва силжиш ўзгаришлари лойиҳа талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

120. ГТИ ғовакларидagi босим ва фильтрация режими учун кузатувлар лойиҳада кўзда тутилган тартибда аниқланади:

сув сақлаш иншооти асоси ва танасида сувнинг сатҳи ҳамда улар қирғоқларининг туташув ҳолати;

қирғоқлари билан туташ иншооти асосидаги пьезометрик босим;

дренаж коллекторлари ва дренаж иншоотлари охиридаги фильтрация сарфи қийматлари;

фильтрация сувларининг кимёвий таркиби ва лойқалиги;

дамбаларга туташ қирғоқларда ва қияликларда фильтрация сувларининг чиқиш жойи, суффозия мавжудлиги;

сув сақловчи иншоот ҳудудида сизот сувларининг кимёвий таркиби ва сатҳи;

тупроқли тўғонларнинг фильтрацияга қарши элементларида, замин (асос)лари ва танасида ҳосил бўладиган ғоваклардаги босим миқдори.

121. Сув остида қолиши мумкин бўлган ҳудудни баҳолаш учун кузатув қудуқлари тармоғидаги сув сатҳини назорат қилиш.

122. Натура кузатувлари натижалари белгиланган шаклдаги махсус журналларда қайд этилади.

123. Пьезометрлар ёпиқ қопқоқлар орқали ифлосланишдан ҳимояланиши керак. Пьезометрларнинг бир қисми, сирт, чуқурликдаги маркалар ва ер усти юзасидан чиқадиган ишчи реперлари зарарланишдан ҳимояланган бўлиши керак. Ҳимоя қопқоқлари конструкциялари лойиҳа билан аниқланади.

124. Пьезометрлар вақти-вақти билан сезувчанлик учун текширилиши лозим, қониқарсиз натижалар бўлган тақдирда, улар алмаштирилиши лозим.

125. НЎА металл қисмлари коррозиядан ишончли ҳимояланган бўлиши керак. Ер юзасига чиқиб турган қудуқлар қопқоқлари ва ҳимоя каллаклари ювилмайдиган бўёқ билан қопланиши ҳамда НЎА рақамланган бўлиши керак.

126. ГТИларида ўрнатилган НЎАларни сақлаш учун жавобгарлик объектнинг қурилиш пайтида — шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачига ва объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотга, фойдаланиш даврида эса, ГТИни тугатишгача фойдаланувчи ташкилотга юклатилади.

8-боб. Яқуний қоидалар

127. Мазкур Қоидаларни бузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

128. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси ва «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти билан келишилган.

Сув хўжалиги вазири

Ш. ХАМРАЕВ

2018 йил 6 июнь

Қурилиш вазири

А. ТУХТАЕВ

2018 йил 6 июнь

*Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раиси*

Б. КУЧКАРОВ

2018 йил 6 июнь

*«Давсувхўжаликназорат»
давлат инспекцияси бошлиги*

Н. ЭРНАЗАРОВ

2018 йил 6 июнь

*«Ўзбекгидроэнерго» АЖ
бошқарув раиси*

А. САНГИНОВ

2018 йил 6 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ
КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

610 Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида-
ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
хақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 апрелдаги ПФ-5395-сон «Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/3-сон қарори (рўйхат рақами 2893, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 568-модда) билан тасдиқланган Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий аттестация
комиссияси раиси**

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 июнь,
254/10-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2018 йил 28 июндаги 254/10-сон қарорига
ИЛОВА

**Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги
низоми киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 6-банднинг бешинчи хатбошиси «Юридик фанлар» деган сўзлардан кейин «ва исломшунослик фанлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
2. 7-банднинг учинчи хатбошиси «юридик фанлар» деган сўзлардан кейин «ва исломшунослик фанлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
3. 5-иловининг 10-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган.

*Жисмоний тарбия ва
спорт вазири*

Ш. ИСРАИЛОВ

2018 йил 27 июнь

*Инновацион
ривожланиш вазири*

И. АБДУРАХМОНОВ

2018 йил 27 июнь

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

2018 йил 27 июнь

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2018 йил 27 июнь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 27 июнь

*Ташқи ишлар вазири**А. КАМИЛОВ**2018 йил 27 июнь**Фанлар академияси президенти**Б. ЮЛДАШЕВ**2018 йил 27 июнь**Халқ таълими вазири**Ш. ШЕРМАТОВ**2018 йил 27 июнь**Қишлоқ хўжалиги вазири**Б. ЮСУПОВ**2018 йил 27 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

611 Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-4

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сон қарори (рўйхат рақами 2364, 2012 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 223-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 июлда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 июнь,
22/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
30 июндаги 22/6-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 5-банднинг тўртинчи хатбошисидан «охирги уч» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. III боб ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 25-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кафолат суммаси «90993 — Кафолат ва кафилликлар» ҳисобварағига кирим қилинади ва кафолат суммаси ушбу ҳисобварақда тўлиқ қоплаб берилгунга қадар сақланади. Бунда хорижий ва халқаро ташкилотларнинг кредит линиялари ва қарзларини жалб қилиш билан боғлиқ банк кафолатлари суммаси мижозлар томонидан графикка асосан ёки муддатидан олдин қайтарилганда «90993 — Кафолат ва кафилликлар» ҳисобварағининг қолдиғи мос равишда камайтириб борилади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

612 Академик лицейларда саралаш имтиҳонларини ўтказиш, расмийлаштириш ва натижаларини эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3040*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 212-сон «Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги **қарор қилади:**

1. Академик лицейларда саралаш имтиҳонларини ўтказиш, расмийлаштириш ва натижаларини эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 июль,
12-2018-сон

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 июль,
7-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва
Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил
9 июлдаги 12-2018, 7-мх-сон қарорига
ИЛОВА

**Академик лицейларда саралаш имтиҳонларини ўтказиш,
расмийлаштириш ва натижаларини эълон қилиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 212-сон «Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ академик лицейларда саралаш имтиҳонларини ўтказиш, расмийлаштириш ва натижаларини эълон қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 212-сон қарори билан тасдиқланган Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан дастлабки танловдан ўтган 9-синф битирувчиларини академик лицейларга қабул қилиш учун саралаш имтиҳонлари (бундан буён матнда саралаш имтиҳонлари деб юритилади) ташкил этилади.

2. Саралаш имтиҳонлари ижодий имтиҳон ёки тест синовлари тарзида ташкил этилади.

Саралаш имтиҳонларини тест синовлари ёки ижодий имтиҳон шаклида ўтказиш таълим йўналишига мувофиқ академик лицейлар томонидан мустақил белгиланади.

3. Саралаш имтиҳонлари барча ўқувчилар учун тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилади.

4. Саралаш имтиҳонлари ҳар йили 10 июлдан 25 июлга қадар ўтказилади.

5. Ижодий имтиҳонлар ҳар бир фан бўйича Маслаҳат кенгаши тавсиясига асосан олий таълим муассасаси ректор буйруғи билан ташкил этиладиган ҳар бири камида 5 — 7 нафар аъзодан иборат комиссия томонидан ўтказилади.

6. Тест синовлари Маслаҳат кенгаши тавсиясига асосан олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан ташкил этиладиган камида 7 нафар аъзодан иборат тест синовларини ўтказиш бўйича комиссия томонидан ўтказилади.

7. Комиссия таркиби қуйидаги тартибда шакллантирилади:
комиссия раиси — академик лицей директори;
комиссия аъзолари — тегишли олий таълим муассасаси ҳамда академик лицейнинг профессор-ўқитувчилари ва масъул ходимлари;
комиссия котиби — академик лицей директорининг ўринбосари.

8. Комиссия раиси:

саралаш имтиҳонларида иштирок этадиган кузатувчилар рўйхатини шакллантиради;

комиссия ишини ташкил этади;

комиссия вазифаларини белгилайди;

комиссия фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

Комиссия раиси мазкур Низомда белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

9. Комиссия саралаш имтиҳонларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 212-сон қарори билан тасдиқланган Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ташкил этишга, шунингдек саралаш имтиҳонларининг адолатли, ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилишига ҳамда имтиҳон натижаларининг холислиги учун жавобгар бўлади.

2-боб. Саралаш имтиҳонларини ўтказиш

1-§. Умумий қоидалар

10. Саралаш имтиҳонларини ўтказиш муддатлари ва тегишли йўналишлар бўйича саралаш имтиҳонлари топшириладиган фанлар рўйхати ва фанлар бўйича саралаш имтиҳони шакли, шунингдек саралаш имтиҳонлари натижаларини баҳолаш мезонлари саралаш имтиҳонлари ўтказилишидан камида 10 кун олдин ўқувчиларга улар таълим олган умумий ўрта таълим муассасаси орқали хабар қилинади, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан академик лицейнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва академик лицейнинг эълонлар тахтасига илиб қўйилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, тегишли олий таълим муассасаси ректори академик лицейларга кириш учун синовлар катта сифимдаги биноларда ўтказилиши, тест жараёнининг энг кўп даражада очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаб, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан, ўқувчиларнинг ота-оналари синовларни онлайн режимида кузатиб боришларига имконият яратилишини таъминлайди.

12. Ўқувчилар чет тиллар сифатида инглиз, немис, француз тилларидан бири бўйича саралаш имтиҳони топширади. Ўқувчи ўқиган чет тилидан қатъи назар, хоҳлаган (инглиз, немис, француз) чет тилидан саралаш имтиҳони топшириши мумкин.

Агар умумий ўрта таълим муассасасида инглиз, немис ёки француз тил-

лари ўтилмасдан бошқа чет тиллари ўқитилган ҳолда, шу чет тилидан тест синови ўрнига ижодий имтиҳон топширилади.

13. Саралаш имтиҳонлари саволлари (топшириқлари) академик лицей директорининг тавсиясига кўра тегишли олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тузилган эксперт гуруҳ (бундан буён матнда Эксперт гуруҳ деб юритилади) томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Эксперт гуруҳ аъзолари академик лицейнинг ва тегишли олий таълим муассасасининг профессор ўқитувчилари таркибидан шакллантирилади.

Эксперт гуруҳи ишига академик лицей директори раҳбарлик қилади.

14. Саралаш имтиҳонлари саволлари (топшириқлари) Давлат таълим стандартлари доирасида 5 — 9 синф ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

15. Тузиладиган саволларнинг (топшириқларнинг) сифати ва мазмуни бўйича эксперт гуруҳи аъзолари масъул ҳисобланади.

16. Саралаш имтиҳонларнинг саволлари (топшириқлари) саралаш имтиҳонлар ўтказилишидан 5 кун олдин тўлиқ ишлаб чиқилади.

Саралаш имтиҳонлари саволлари (топшириқлари) академик лицей директорида сақланади ва махфийлиги учун академик лицей директори жавобгар бўлади.

17. Саралаш имтиҳонлари ўқувчининг танловига асосан ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида ўтказилади.

18. Саралаш имтиҳонлари ўтказиладиган куни академик лицейлар томонидан берилган тегишли рухсатномага эга бўлмаган шахсларнинг саралаш имтиҳонлари ўтказиладиган биноларга кириши тақиқланади.

Саралаш имтиҳонларида умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари, ота-оналар (васийлар), тасарруфида академик лицейлар бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда тегишли олий таълим муассасасининг ходимлари кузатувчи сифатида иштирок этади.

2-§. Тест синовларини ўтказиш

19. Академик лицейнинг айрим таълим йўналишлари хусусиятларидан келиб чиқиб 3 та умумтаълим фанидан тест синовлари ўтказилади.

20. Тест синови ўтказиладиган куни ўқувчилар тест синовлари ўтказиладиган бино ҳудудига соат 7:00 дан бошлаб видеотасвир орқали шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва академик лицей томонидан ўқувчига бериладиган рухсатнома билан бирга киритилади.

Ўқувчи тест синовлари ўтказиладиган бинога соат 8.20 гача киритилади. Тест синовлари бошлангандан кейин ўқувчи бинога киритилмайди ва белгиланган вақтда тест синовларига келмаган ўқувчи учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

21. Тест синовлари соат 8:30 да бошланади.

Соат 8:30 дан 9:00 гача ўқувчилар жавоблар варақасини тўғри тўлдириш тартиби билан танишадилар, жавоблар варақасининг ва саволлар китоби муқовасининг белгиланган жойига ўзи ҳақидаги тегишли маълумотларни (Ф.И.О. ва таълим йўналиши) ёзади ва имзоси билан тасдиқлайди.

Бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди.

22. Тест бошлангандан кейин ҳеч ким тест синовлари ўтказилаётган бинога киритилмайди ва тест топшириқлари бўйича ўқувчилар билан савол-жавоб қилинмайди.

Тест синови давомида тест синовлари ўтказилаётган бино эшиклари очик ҳолатда туради. Комиссия аъзолари ва кузатувчилар тест ўтказилаётган бинодан чиқиши тақиқланади.

23. Ўқувчи жавоблар варақаси рақами билан саволлар китоби рақамининг бир-бирига мослигини ва саволлар китобида фанлар бўйича тест саволларида типографик хато ёки бошқа нуқсонлар йўқлигини текширади. Агар тест саволларида нуқсон бўлганда соат 9.00 гача бу ҳақда комиссия аъзоларига хабар беради ва 9.00 дан кейин эътирозлар қабул қилинмайди.

Нуқсонлари аниқланган саволлар китоби ва жавоблар варағи комиссия томонидан бошқасига алмаштирилиб берилади.

24. Ўқувчига тест топшириқларини бажариш учун ҳар бир фандан 15 та тест саволи берилади. Тест саволларини ечиш учун ўқувчиларга ҳар бир фан учун 30 дақиқа вақт берилади.

Ҳар бир тест саволига 4 тадан (А, В, С, D) жавоблар варианты берилган бўлиб, ўқувчи улардан фақат биттасини саволлар китобчасида белгилаши (саволлар китобида белгиланган жавобларни ўзгартириш мумкин), кейинчалик жавоблар варақасидаги мос доирачаларини белгиланган тартибда тегишли белгини (+) қўйиши керак (жавоблар варақасида белгиланган жавобларни ўзгартириш мумкин эмас).

Ҳар бир тест саволига фақат битта жавоб белгиланиши шарт.

Тўлдирилган жавоблар варақаси ўқувчининг билим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

25. Жавоблар варақаси ўқувчи томонидан ҳаворанг пастали шарикли ручка билан тўлдирилади.

Жавоблар варақаси тўғри тўлдирилиши учун ўқувчи шахсан жавобгардир.

Жавоблар варақасини тўлдиришга тест синови учун белгиланган вақт меъёрига қўшимча 20 дақиқа ажратилади.

Жавоблар варақаси намунаси ҳар бир академик лицей томонидан мустақил равишда белгиланилади.

26. Тест синовларини топшириш вақтида ўқувчининг бинодан чиқиши тақиқланади, бинодан чиққан ўқувчи қайтадан тест синовларига қўйилмайди, соғлиғи ёмонлашган ҳолатларда тест материалларисиз комиссия аъзоси ва тиббий хизмат ходими кузатуви остида бинодан чиқиш ҳоллари бундан мустасно.

27. Комиссия раиси томонидан тестни бажариш учун ажратилган вақт тугагани ва саволлар китобида белгиланган жавобларни жавоблар варақасини тўлдириш учун қўшимча вақт бошланганлиги эълон қилинганда ўқувчи саволлар китоби билан ишлашни тўхтатиб, саволлар китобида белгиланган жавобларни жавоблар варақасининг мос доирачаларига тегишли белги (+) қўйишни бошлаши, қўшимча ажратилган вақт тугагани эълон қилинганда жавоблар варақаси билан ишлашни тўхтатиши шарт.

28. Тест синовларини белгиланган муддатдан олдин тугатган ёки тест синовлари учун ажратилган вақт тугагач, ўқувчилар тест материалларини топширади.

29. Комиссия аъзолари қуйидаги ҳолатларда тест синови жараёнидан четлаштирилади:

бино ва қаватга тақиқланган воситаларни олиб кирганда;

ўқувчига тақиқланган воситалардан фойдаланиш учун шароит яратиб берганда;

бино ва қаватда тест синови жараёнига бошқа шахсларнинг аралашуви-га, рухсатномаси бўлмаган шахсларнинг киришига йўл қўйганда;

юклатилган вазифаларини суиистеъмом қилганда;

хатти-ҳаракати тест синовини ўтказиш тартибининг бузилишига олиб келганда;

тест синови вақтида комиссия аъзоси ва кузатувчи томонидан аудитория эшиги ёпиб қўйилиши ёки аудитория эшиги олдида туриб қаватдаги ҳаракатларнинг кузатилишига йўл қўйганда;

тест синови жараёнида бино ва қаватда назоратни қўлдан чиқарганда ва тартибсизлик келиб чиқишига сабаб бўлганда;

бинода тест синови тартибини бузган ўқувчиларни четлаштириш тўғрисида далолатнома тузилишига қаршилик қилганда;

тест синови жараёнида юклатилган вазифаларни бажара олмаётганлиги аниқланганда ва шу каби бошқа ҳолатларда.

30. Ўқувчи томонидан уяли телефонлар ва бошқа алоқа воситаларини олиб кириш ва фойдаланиш қатъий ман этилади.

Тест синовлари ўтказиладиган бинога киришда ўқувчи микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, тест синовлари давомида тест материалларини бошқа ўқувчига узатса ёки ёрдам берса, ўқувчи тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва далолатнома тузилиб, у тест синовидан четлаштирилади.

31. Ўқувчига тест синовларини қайта топширишга рухсат берилмайди.

32. Тест синовлари ўтказиладиган вақтда тест синовлари ўтказиладиган бинода ўқувчилар, комиссия аъзолари ва кузатувчилардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

3-§. Ижодий имтиҳонларни ўтказиш

33. Ихтисослик хусусиятидан келиб чиқиб айрим таълим йўналишларида 3 та умумтаълим фанидан кўп бўлмаган фанлардан ижодий имтиҳонлар ўтказилади.

34. Ижодий имтиҳонлар оғзаки, ёзма иш, иншо, баён, диктант шаклида бўлиши мумкин. Бунда ижодий имтиҳон ўтказиш жараёнлари видеотасвирга туширилиши шарт.

35. Ижодий имтиҳонлар белгиланган кунда соат 8:30 да бошланади.

36. Ижодий имтиҳонларни ўтказиш учун ўқувчиларга ҳар бир фан учун 45 дақиқа вақт берилади.

37. Ўқувчи томонидан уяли телефонлар ва бошқа алоқа воситаларини олиб кириш ва фойдаланиш қатъий ман этилади.

Ижодий имтиҳонлар ўтказилаётган бинога киришда ўқувчи микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, ижодий имтиҳонлар давомида бошқа ўқувчига ёрдам берса, ўқувчи ижодий имтиҳонларни ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва далолатнома тузилиб, у ижодий имтиҳондан четлаштирилади.

38. Ўқувчига ижодий имтиҳонларни қайта топширишга рухсат берилмайди.

39. Ижодий имтиҳонлар ўтказилаётган вақтда ижодий имтиҳон ўтказилаётган бинода ўқувчилар, комиссия аъзолари ва кузатувчилардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

3-боб. Саралаш имтиҳонлари натижаларини баҳолаш, расмийлаштириш ва эълон қилиш

40. Саралаш имтиҳонлари 0 балдан 100 балгача бўлган оралиғида, ягона кўп балли тизим бўйича баҳоланади.

Баҳолаш мезонлари ҳар бир фанга ажратилган умумий баллар доирасида, ўқувчиларга қўйилган талабларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, Эксперт гуруҳ томонидан белгиланади.

41. Саралаш имтиҳонлари ижодий имтиҳон шаклида ўтказилганда, имтиҳон натижалари комиссия томонидан баҳоланади.

Саралаш имтиҳонлари тест синовлари шаклида ўтказилганда, имтиҳон натижалари Эксперт гуруҳ томонидан баҳоланади.

Комиссия ва Эксперт гуруҳ аъзолари томонидан имтиҳон натижаларини текшириш ва баҳолаш учун ажратилган хонага уяли телефонлар ва бошқа алоқа воситаларини олиб кириш тақиқланади.

42. Саралаш имтиҳонлари натижалари бўйича комиссия томонидан қайднома расмийлаштирилади. Қайдномада ўқувчиларга қўйилган баллар кўрсатилади. Бунда тўпланган энг юқори баллдан бошлаб камайиб бориш тартибида жойлаштирилади. Қайднома комиссия раиси, котиби, аъзолари ва тегишли равишда Эксперт гуруҳ аъзолари томонидан имзоланади.

43. Саралаш имтиҳонларининг натижалари тест синовлари ёки ижодий имтиҳонлар ўтказилган куннинг эртасига тегишлилиги бўйича олий таълим муассасаси ёки академик лицейнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ҳамда академик лицейнинг эълонлар тахтасига илиб қўйилади.

44. Саралаш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган ўқувчилар ёки унинг ота-онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчилари (васийлар) саралаш имтиҳонлари натижаси эълон қилингандан кейин 2 кун давомида саралаш имтиҳонлари ўтказилган таълим муассасасида тегишли олий таълим муасса-

саси ректорининг буйруғи билан ташкил этилган апелляция комиссиясига ёзма мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикоятига ўқувчи рухсатномасининг нусхаси илова қилинади. Апелляция шикояти қабул қилинганлиги тўғрисида ўқувчига ёки унинг ота-онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчиларига (васийларга) хабарнома берилади.

Апелляция комиссияси таркиби комиссия (Эксперт гуруҳ) фаолиятида иштирок этмаган олий таълим муассасаси ҳамда академик лицей масъул ходимлари орасидан тузилади.

Апелляцияни кўриб чиқишда ўқувчи ёки унинг ота-онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчилари (васий) иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссияси 24 соат ичида апелляция шикоятларини кўриб чиқади. Бунда апелляция комиссияси томонидан ўқувчининг саралаш имтиҳонида топширган ишига қўйилган баллнинг тўғрилигига баҳо берилади ва унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилинади. Қарорда ўқувчининг саралаш имтиҳонларидан ўтган ёки ўтмаганлиги кўрсатилади.

Қарор 24 соат ичида ўқувчига етказилиши лозим.

45. Академик лицейларга ўқишга қабул қилинган ўқувчиларнинг саралаш имтиҳонлари натижалари уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларига тикиб қўйилади.

Ўқишга қабул қилинмаган ўқувчиларнинг саралаш имтиҳонлари натижалари 6 ой давомида сақланади, белгиланган тартибда йўқ қилинади.

46. Ўқувчиларни академик лицейларга ўқишга қабул қилишни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 212-сон қарори билан тасдиқланган Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

4-боб. Яқуний қоида

47. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

613 «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти корхоналари томонидан кўрсатилган механизация хизматлари ҳақини тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2903-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 350-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3574-сон қарори)»ги ва 2018 йил 28 февралдаги 149-сон «Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2017 йил 5 июлдаги 37-сон «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти корхоналари томонидан кўрсатилган механизация хизматлари ҳақини тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2903, 2017 йил 27 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 752-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки ва «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 6 июль,
48-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 июлда эълон қилинган.

Келишилди:

*Молия вазирлиги ҳузуридаги
Қишлоқ хўжалигини давлат
томонидан қўллаб-қувватлаш
жамғармаси директори*

Ш. МИРЗАЕВ

2018 йил 19 июнь

*«Ўзпахтасаноат» акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси*

А. МАКСУДОВ

2018 йил 25 июнь

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик
компанияси бошқаруви раиси*

С. ХАЙДАРОВ

2018 йил 25 июнь

*«Ўзагротехсаноатхолдинг»
акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси*

М. КАРИМОВ

2018 йил 20 июнь

*«Агробанк» акциядорлик тижорат
банки бошқаруви раиси*

С. ХОДЖАЕВ

2018 йил 14 июнь

*«Ўзагросервис» акциядорлик
жамияти бош директори*

Р. ХАИТОВ

2018 йил 22 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

614 «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2480-3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 212-сон «Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат тест
маркази директори**

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 июнь,
08/ққ-сон

**Касб-ҳунар таълими
маркази директори**

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 июнь,
05/ққ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 июлда эълон қилинган.

*Келишилган:**Соғлиқни сақлаш вазири**А. ШАДМАНОВ**2018 йил 25 июнь**Маданият вазири**Б. САЙФУЛЛАЕВ**2018 йил 25 июнь**Жисмоний тарбия ва спорт вазири**Ш. ИСРАИЛОВ**2018 йил 25 июнь**Давлат солиқ қўмитаси раиси в. б.**Б. МУСАЕВ**2018 йил 25 июнь**Ўзбекистон Бадий академияси раиси**А. НУРИДИНОВ**2018 йил 25 июнь**«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ раиси**А. РАМАТОВ**2018 йил 25 июнь*

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест
маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил
25 июндаги 08/ққ, 05/ққ-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2013 йил 16 июлдаги 19/ққ, 36/ққ-сон «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2480, 2013 йил 19 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 381-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2014 йил 14 майдаги 9/ққ, 35/ққ-сон «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2480-1, 2014 йил 19 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 21-сон, 247-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2016 йил 27 январдаги 05/ққ, 03/ққ-сон «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2480-2, 2016 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 5-сон, 44-модда).

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

615 «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2255-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2011 йил 6 июлдаги 11-сон «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўлов ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2255, 2011 йил 16 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 32-33-сон, 343-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Д. ИСАКУЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 июль,
9-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июлда эълон қилинган.

*Келишилган:**Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**2018 йил 13 июль**Иқтисодиёт вазири**Б. ХОДЖАЕВ**2018 йил 2 июль**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси**Р. ГУЛЯМОВ**2018 йил 28 июнь**«Ўзбекэнерго» АЖ
бошқаруви раиси**У. МУСТАФОЕВ**2018 йил 20 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

616 Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобил телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қоидаларининг 4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2617-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Давлат хавфсизлик хизмати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 2014 йил 27 августдаги 33 ва 87-сон қарори (рўйхат рақами 2617, 2014 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 495-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобил телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қоидаларининг 4-бандидаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға кирди.

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 июнь,
43-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июлда эълон қилинган.

Давлат хавфсизлик
хизмати раиси

И. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 июнь,
5-сон

Келишилган:

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси
Бош директори в. б.*

Б. ХАКИМОВ

2018 йил 26 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

617 Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 3-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-9*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизими-ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруғи (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 3-иловаси 3-бандидаги «в» кичик банднинг олтинчи хатбошисидаги «миллий» деган сўз «давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган кор-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июлда эълон қилинган.

хоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
177-мҳ-сон

Келишилган:

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 11 июль

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 14 июлдан 20 июлгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 28 июндаги 254/9-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-5.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 21 июндаги 01/19-10/27, 21-сон «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-3.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 21 июндаги 01/19-10/28, 22-сон «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-2.

4. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 10 июлдаги 8-сон «Электр энергиясини электр тармоқлари бўйлаб узатиш ва тақсимлашда технологик йўқотишларнинг нормативларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 17-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2871-1.

5. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2018 йил 7 июндаги 342-сон «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3039.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 28 июндаги 254/10-сон «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/6-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-4.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 9 июлдаги 12-2018, 7-мх-сон «Академик лицейларда саралаш имтихонларини ўтказиш, расмийлаштириш ва натижаларини эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3040.

9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 6 июлдаги 48-сон «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти корхоналари томонидан кўрсатилган механизация хизматлари ҳақини тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2903-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 25 июндаги 08/ққ, 05/ққ-сон «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2480-3.

11. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 13 июлдаги 9-сон «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурил-

маларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2255-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 26 июндаги 43, 5-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобил телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қоидаларининг 4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2617-2.

13. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 177-мҳ-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 3-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-9.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти корхоналари томонидан кўрсатилган механизация хизматлари ҳақини тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2903, 2017 йил 27 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 17 июлдаги 377-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим марказининг «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида саралаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2480, 2013 йил 19 июль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2480-1, 2014 йил 19 май), (рўйхат рақами 2480-2, 2016 йил 3 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 17 июлдаги 378-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқ-

ларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2255, 2011 йил 16 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 19 июлдаги 380-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

